

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўл ёзма ҳуқуқида
УДК**

ЧИНМИРЗАЕВ АЛИШЕРБЕК ДИЛШОДБЕК ЎҒЛИ

**ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА МАҚОМГА ЭГА
БЎЛГАН РЕСПУБЛИКА ОРГАНЛАРИ**

5А240108 – Давлат бошқаруви ҳуқуқи

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

**Илмий раҳбар:
ю.ф.н. Турғунов О.К.**

Тошкент - 2016

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНING НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ВА КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	9
1.1. Давлат ҳокимияти органи тушунчаси, функционал мақсадлари, тизими ва фаолиятининг асосий принциплари	9
1.2. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилиши, ўзаро муносабатлари ҳамда улар ваколат ва вазифалари тақсимланишининг конституциявий-ҳуқуқий асослари	19
I боб бўйича хулоса	29
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АЛОҲИДА МАҚОМГА ЭГА БЎЛГАН ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ	30
2.1. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимида алоҳида мақомга эга бўлган давлат органларининг ташкил этиш зарурати, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва конституциявий-ҳуқуқий асослари	30
2.2. Ўзбекистон Республикасида алоҳида мақомга эга бўлган давлат органларининг ваколат доираси ва фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари	40
II боб бўйича хулоса	50
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АЛОҲИДА МАҚОМГА ЭГА БЎЛГАН ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА БОШҚА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	51
3.1. Ўзбекистон Республикасида прокуратура органлари ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятлари	51
3.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг асосий принциплари	63
3.3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ҳисоб палатаси ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳуқуқий мақоми ва уларнинг бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш масалалари	72
III боб бўйича хулоса	84
ХУЛОСА	86
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	91

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ўзбекистонда олий мақсадимиз – ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида кенг кўламли ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган ислохотлар амалга оширилмоқда. Изчиллик билан олиб борилаётган ислохотлар натижасида халқнинг хоҳиш-иродасини ифода этадиган, унинг манфаатларига хизмат қиладиган давлат ҳокимияти органлари демократик принциплар асосида шакллантирилмоқда.

Мавзунинг долзарблиги, аввало, чуқур демократик ислохотлар шароитида конституциявий тузум асосларини амалга ошириш механизмлари соҳасида кечаётган туб ўзгаришларни конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан илмий англаш зарурати билан боғлиқдир.

Зеро, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар ягона бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколат ҳамда назорат вазифалари ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича долзарб чора-тадбирларга қаратилди.

Ҳар қандай давлат сингари, Ўзбекистон Республикасида ҳам давлат ҳокимиятининг мумтоз учта тармоғи – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг бирортасига қирмайдиган давлат ҳокимияти органлари мавжуд. Бу табиий, айти пайтда, ушбу органлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларга мувофиқ тузилади ва фаолият кўрсатади. Улар ўз мақомига кўра махсус ваколатларга эга бўлиб, давлат ҳокимиятининг мустақил органлари саналади. Бундай органлар сирасига прокуратура, марказий сайлов комиссияси, марказий банк, ҳисоб палатаси ҳамда табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмиталари каби алоҳида давлат органлари киради.

Гарчи, Конституциянинг 11-моддасида “�збекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи асосланади” деган муҳим конституциявий норма-принцип мустаҳкамланган бўлса-да, унинг 3-моддасига мувофиқ, “�збекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади” деган яна бир конституциявий норма самарали давлат ҳокимиятини ташкил этиш мақсадида давлат ҳокимияти тизимида махсус ваколатларни амалга ошириш учун йўналтирилган ана шундай давлат органларини тузиш мумкинлигини инкор этмайди¹.

Бу ҳолат, айниқса, Президентимизнинг “мустақил тараққиётимиз даврида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилиб, ҳаққоний баҳолаш ва ислохотлар дастурига маълум ўзгаришлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислох этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор” деган концептуал аҳамиятга эга кўрсатмалари ҳуқуқшунослик фанида ҳам бу йўналишдаги илмий ва амалий тадқиқотларни кучайтиришни тақазо этади².

Ана шу маънода аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлашга зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда.

¹**Қаранг:** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашини ўн биринчи сессиясида қабул қилинган. — Тошкент: 2015. — 76 б.

²**Қаранг:** Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 2010 йил 12 ноябрь. Тошкент: Ўзбекистон. — 2010. — 60 б.

Зеро, давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлиги ижтимоий аҳамиятга эга (сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, экологик, демографик) соҳалардаги вазиятга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Афсуски, бугунги кунда хилма-хил илмий манбаларнинг мавжудлигига қарамадан, илмий адабиётларда алоҳида мақомга эга бўлган давлат органларининг махсус ҳуқуқий мақоми муаммолари, ҳуқуқий таъминланиши, ўзаро муносабатларни таҳлил қилиш ва комплекс тадқиқ этишга эътиборда айрим камчиликлар кўзга ташланмоқда. Натижада алоҳида мақомга эга бўлган давлат органлари билан боғлиқ мавжуд умумий ва махсус илмий муаммолар бўйича қўшимча тадқиқотлар ўтказиш, илмий концепцияларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, миллий ва хорижий қонунчилигидаги принципларни ҳар томонлама таҳлил қилиш эҳтиёжи сезилмоқда.

Буларнинг барчаси алоҳида мақомга эга бўлган давлат органлари ҳуқуқий мақомининг назарий базасини яратиш, мавжуд муаммоларнинг ечими йўллари ва воситаларини излаш, конституциявий-ҳуқуқий мустаҳкамлаш ва амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқишга йўналтирилган мазкур диссертациявий тадқиқот долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Диссертант ўрганилаётган мавзунинг илмий долзарблиги муносабати билан, шунингдек, давлат ҳокимияти тизимида алоҳида мақомга эга бўлган республика органларини тадқиқ этишда яхлит ва ягона назарий ёндошувнинг мавжуд эмаслиги, кўрсатиб ўтилган муносабатлардаги ҳуқуқий бўшлиқни аниқлаш ва тегишли таклиф ва мулоҳазаларни магистрлик диссертацияси даражасида ишлаб чиқишни мақсад сифатида белгилаб олган.

Олдинга қўйилган мақсадларга эришиш учун қуйидаги масалаларни қўйиш ва илмий ечиш вазифалари белгиланди:

— давлат ҳокимияти органлари ташкил этилишининг назарий-методологик ва конституциявий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш, бунинг учун давлат органи тушунчаси, функционал мақсадлари, тизими ва фаолиятининг

асосий принципларини аниқлаш, давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилиши, ўзаро муносабатлари ҳамда улар ваколат ва вазифалари тақсимланишининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш;

– алоҳида мақомга эга бўлган давлат органларининг давлат ҳокимияти органлари тизимида тутган ўрни ва фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ўрганиш, давлат ҳокимияти тизимида алоҳида мақомга эга бўлган давлат органларининг ташкил этиш зарурати, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва конституциявий-ҳуқуқий асосларини қиёсий таҳлил қилиш;

– Ўзбекистон Республикасида алоҳида мақомга эга бўлган давлат органларининг ваколат доираси ва фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари аниқлаш, уларнинг ўзига хос белгиларини ажратиш;

– Ўзбекистон Республикасида алоҳида мақомга эга бўлган давлат органларининг ҳуқуқий мақоми ва бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатларининг такомиллаштириш масалаларининг илмий асосларини таҳлил қилиш ва қонунчилик базасини тизимли ўрганиш;

– Ўзбекистон Республикасида прокуратура органлари ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

– Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг асосий принципларини илмий ўрганиш;

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ҳисоб палатаси ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳуқуқий мақоми ва уларнинг бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш масалаларига оид таклиф ва мулозалар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши. Давлат ҳокимияти тизимида алоҳида мақомга эга бўлган республика органларини ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятига оид ижтимоий муносабатлар тизими тадқиқот **объектини** ташкил қилади. Тадқиқот **предметини** давлат ҳокимияти тизимида алоҳида мақомга эга бўлган республика органларига доир илмий-назарий қарашлар, улар фаолиятининг

конституциявий-ҳуқуқий асослари, улар ваколатларининг юзага келиш ва бекор бўлиш тартиби, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, функциялари ва асосий йўналишлари, бошқа давлат органлари, мансабдор шахслар билан ўзаро муносабатларига доир долзарб ҳуқуқий муаммолар ташкил этади.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимида алоҳида мақомга эга бўлган органлар мақомининг ҳуқуқий асослари таҳлил қилиниб, ҳокимиятлар тизимида мазкур органлар тегишлилигини белгилашга, шунингдек қайд этилган органларни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларини ўзаро муносабатлари самарасини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти тизимида алоҳида мақомга эга бўлган республика органлари фаолиятини такомиллаштириш ривожланган демократик мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, шунингдек, ҳокимиятнинг бўлиниш принципи талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқлиги эътироф этилди.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий давлат шакллантириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш стратегик вазифа этиб белгилаб олинганидан сўнг, назарий изланувларда катта эътибор алоҳида мақомга эга бўлган давлат ҳокимияти органлари масаласига қаратила бошланди, шу билан биргаликда уларни қайси ҳокимият тармоғига кириши муаммолари ҳам эътиборга олинди.

Мазкур йўналишдаги умумназарий масалалар А.А.Азизхўжаев, З.М.Исломов, Х.Т.Одилқориев, Ш.З.Уразаев, Э.Халилов, Ш.И.Жалилов, С.М.Одилхўжаева, М.Бойдадаев, Х.Б.Бобоев, А.Жалолов, С.Жўраев, Й.Назаров, Ш.Рўзиназаров, Х.Таджиханов, А.Тўлагановлар томонидан тадқиқ қилинган.

Давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий мақоми асосларига тегишли муаммолар МДХ мамлакатларининг юрист-олимларини диққат маркази бўлмоқда. Улар қаторига Аверин А.В., Аверьянов В.Б., Глазунова Н.И.,

Баишев Ж., Шакиров К., Бачило И.Л., Гафарли М.С., Касаев А.Ч., Страшун Б.А., Пикуль А.В., Серебренников В.П., Четвернин В.А., Топорнин Б.Н., Туманов В.А., Чиркин В.Е., Якушик В.М., Орлова О.В. киради.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Ишнинг назарий ва амалий хулосалари давлат ҳокимияти тизимида алоҳида мақомга эга бўлган республика органлари фаолиятини янада такомиллаштиришда, “Конституциявий ҳуқуқи”, “Маъмурий ҳуқуқ” фани ва “Давлат хизмати” ўқув курсини ўқитиш ҳамда тегишли йўналишида илмий тадқиқот ишларини олиб боришда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ишнинг илмий янгилиги тадқиқот мавзуйига оид мавжуд адабиётларни илмий ўрганиш ва таҳлил этиш асосида давлат ҳокимияти тизимида алоҳида мақомга эга бўлган республика органлари фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари билан боғлиқ назарий, ҳуқуқий ва амалий масалалар конституциявий ҳуқуқ фани нуқтаи назаридан алоҳида мавзу сифатида илк маротаба тадқиқ этилганидир.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Мазкур тадқиқотнинг назарий-методологик асосларини Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда давлат ҳокимияти тизимида алоҳида мақомга эга бўлган республика органларининг ўрни ва ролига оид фикрлари, кўрсатмалари ташкил қилади. Тадқиқотни амалга оширишда тарихий, диалектик, қиёсий-ҳуқуқий, формал-мантикий, статистик, тизимлаштириш ва илмий билишнинг бошқа усулларидадан фойдаланилди.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация кириш, еттита параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 100 бетни ташкил қилади. Тадқиқот ишида 100 га яқин адабиётдан фойдаланилган.

1 БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНING НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ВА КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Давлат ҳокимияти органи тушунчаси, функционал мақсадлари, тизими ва фаолиятининг асосий принциплари

Ўзбекистон Республикасида жамият ва давлат ҳаётини модернизация қилишга йўналтирилган демократик ҳуқуқий ислохотлар изчил давом этмоқда. Мамлакат ўз ўтмиши бўлган собиқ тоталитар тузумдан воз кечиб, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатчилик сари интилмоқда. Бундай вазиятда давлат ва жамият тузумининг ҳуқуқий асосларини таҳлил этувчи конституциявий ҳуқуқ фанининг ўрни ва аҳамияти янада ортиб бормоқда¹. Зеро, мустақиллик туфайли давлат тузумининг ўзгариши, миллий давлатчиликнинг ривожланиши, янги ҳокимият институтлари, жумладан, алоҳида мақомга эга бўлган республика органларининг пайдо бўлиши ҳуқуқшунослик, шу жумладан конституциявий ҳуқуқда ўз ифодасини топди.

Конституциямиз муқаддимасида давлатимиз олдида қўйилган муҳим вазифалар сифатида белгиланган “республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш” масаласи чуқур маъно ва мазмунга эга. Бироқ бунга бажариш учун давлат бошқарувини оқилона ташкил этиш, шахс билан ҳокимият ўртасида мувозанатга эришиш талаб қилинади. Бинобарин, эркинлик қатъий давлатчилик заминига таянмаса, бошбошдоқликка олиб келиши ва, аксинча, агар давлатчилик эркинликни инкор этса, инсон мустабид тузум кишанларига тушиб қолиши мумкин. Шу боис давлат ҳокимияти ва шахс ўртасидаги мувозанатни таъминлаш конституциявий ҳуқуқдаги энг муҳим ва ўта нозик масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг қуйидаги фикрлари Конституция билан тартибга солинган давлат ҳокимияти

¹**Қаранг:** Конституциявий ҳуқуқ: Х.Т.Одилқориев, Ў.Х.Мухамедов, Б.А.Саидов ва бошқ.; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т. : Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 3.

хусусидадир: “Демократия шароитида давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишув, халқ таъбири билан айтганда, муросаи мадора билан бартараф этиш воситасига айланади”¹. Демократияни ривожлантириш, халқ ҳокимиятчилиги самарали усул ва шакллари қарор топтириш жамият манфаатларига тўлиқ мос тушади. Ҳар қандай давлат ўзининг хилма-хил фаолиятини давлат апаратининг таркибий қисми ҳисобланган давлат органлари орқали амалга оширади. Улар умумлаштирилган ҳолда жамиятда давлат ҳокимиятини амалга оширувчи ташкилот ва муассасалар деб аталади. Давлат апарати унинг органларини оддий механик йиғиндиси эмас, балки тартибга солинган, яхлит тизимдир. Ушбу тартибга солинишнинг мазмуни шундаки, ҳар бир давлат органи муайян давлат бошқарувини амалга оширади.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Конституциянинг асосий моҳияти шундаки, у жамият ва унинг аъзолари олдида мақсад қўяди. Ана шу эзгу мақсадга эришишнинг йўллари ўзида мужассам этади. Шу ўринда давлат, оила ва жамият манфаатлари, соддароқ қилиб айтсак, давлат ва инсон манфаатлари уйғунлашиб кетмас экан, ривожланиш сари олға силжиш бўлмайди”².

Конституциявий ҳуқуқ ўзи, бир томондан, ислохот, янгиланиш объекти бўлса, иккинчи томондан, демократик ислохотларни ҳуқуқий мушоҳада этиш, жамият барқарорлиги, фуқаролар тинчлиги, фаровонлиги ва миллий тотувликни таъминлашнинг илмий асосларини яратиш имконини беради. Айнан у конституциявий ҳуқуқнинг бош манбаини ташкил этгани боис, ушбу фан тармоғи юридик фанлар тизимида алоҳида мавқега эга.

Одатда, ҳар бир давлат унда ташкил этилган давлат ҳокимияти органлари орқали ўзининг ички ва ташқи функцияларини амалга оширади. Умумқабул қилинган анъанага мувофиқ, давлат ҳокимияти органи – бу қонун

¹Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т., 1996. – Б. 20.

²Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. Т., 1997. – Б. 258.

билан махсус белгиланган давлат ваколатларини амалга ошириш учун ташкил этилган бир шахс ёки шахсларнинг уюшган гуруҳи. “Давлат ҳокимияти органи” тушунчаси ҳақида сўз борганда, у билан бевосита боғлиқ бўлган юридик адабиётларда қўлланиладиган “давлат механизми” ва “давлат аппарати” тушунчалари моҳиятини ҳам тушуниб олиш зарур.

Юридик адабиётларда давлат механизми деганда амалда давлат ҳокимияти, давлатнинг вазифа ва функцияларини бажарувчи давлат органлари ва муассасаларининг яхлит иерархик тизими тушунилади. Давлат аппарати давлат ҳокимияти органлари тизимини англатади. Шу боис давлат аппарати ўз ичига барча давлат ҳокимияти органларини қамраб олади. Тор маънода давлат аппарати деганда, фақат олий давлат ҳокимияти органлари: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари тушунилади.

Шуни айтиш жоизки, айрим юридик адабиётлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда “давлат ҳокимияти органлари” тушунчаси билан бирга “давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари” тушунчаси ҳам қўлланилади. Бундай ёндашувда давлат бошқаруви органлари сифатида ижро этувчи ҳокимият тизимига кирувчи вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, қўмиталар, марказлар ва инспекциялар назарда тутилади¹.

Кўриниб турибдики, “давлат механизми” тушунчаси “давлат аппарати” тушунчасига нисбатан кенгроқ бўлиб, унга давлат ҳокимияти органларидан ташқари ушбу органларнинг ишини ташкил этувчи ва уларга ёрдам кўрсатувчи идоралар ва муассасалар ҳам киради. Масалан, ички ишлар вазирлигини давлат органи, деб олсак, вазирликнинг қоровул қўшинлари, олий ўқув муассасалари ва шунга ўхшаш унинг фаолиятини ташкил қилишга ёрдам берадиган тузилмалар унинг идора ва муассасалари ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти органлари муайян мезонлар асосида таснифланади. Жумладан, давлат ҳокимияти органларини ҳокимиятнинг бўлиниш принципи, миқёси ва даражасига кўра тизимлаштирган ҳолда ўрганиш

¹ **Қаранг:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2003. – 11–12-сонлар. – 178-модда.

мумкин. Конституциянинг 11-моддасига мувофиқ, мамлакатимизда давлат ҳокимияти органлари қуйидаги уч тармоққа – қонун чиқарувчи давлат ҳокимияти органлари; ижро этувчи давлат ҳокимияти органлари; суд ҳокимияти органларига бўлинган¹.

Фикримизча, ҳокимиятлар тақсимланиши принципи қуйидаги асосий белгиларга эга: биринчидан, давлат ҳокимиятини амалга ошириш функциялари қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти идоралари зиммасига юклатилади. Шундан келиб чиқиб, айтишимиз мумкинки, ҳокимиятнинг тақсимланиши – демократик ҳуқуқий давлатнинг зарурий шarti. Профессор Х.Одилқориевнинг “мазкур принципнинг қўлланилиши ҳокимиятнинг суиистеъмол қилинишига тўсиқ қўяди, фукароларни мансабдор шахсларнинг тазйикидан ҳимоя этади, давлат идоралари фаолиятининг самарали бўлиши учун зарур шарт шароит яратади², деган карашларига қўшиламыз. Давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида, Президент фармонлари ва Ҳукумат қарорларида, давлат ҳокимияти органлари тўғрисидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасида давлат органлари жуда кўп тармоқли ва улар ҳар хил белгиларга эга. Хусусан, ҳар бир давлат органи ва муассасаси давлат функциясини амалга оширишга йўналтирилган, қатъий белгиланган давлат ишини бажариш режаси асосида ташкил этилади.

Президентимизнинг “бу жараёнда ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларнинг вазифаларини ўзгартиришга, уларнинг бошқариш, тартибга солиш ва тақсимлаш борасидаги ваколатларини, хўжалик тузилмалари фаолиятига бевосита аралашувини кескин қисқартиришга катта эътибор берилди, уларнинг ваколатларини бозор

¹**Қаранг:** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган. Тошкент: 2015. 76 б.

²Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи / Проф. Х.Одилқориевнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2005. – Б. 148.

тамойилларига мувофиқлаштириш кўзда тутилган эди”деган фикрлари давлат ҳокимияти органларини ислоҳ этишнинг моҳиятини акс эттиради¹.

Ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи, биринчидан, Конституция доирасида белгиланган ваколатларни амалга оширади ва бошқа ҳокимият тармоғининг функциясини ташкил этувчи вазифаларни бажаришга ҳақли эмас; иккинчидан, ҳокимият тармоқлари мустақил бўлиб, улар бир-бирига бўйсунмайди, ҳеч бир ҳокимият ўзга ҳокимият тармоғининг ҳаракатланиш доирасини чеклай олмайди; учинчидан, ҳокимиятлар тақсимланиши принципи улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва мувозанатлаш тизими мавжуд бўлишини назарда тутди.

Бунга кўра, Конституцияда шундай ваколатлар назарда тутилганки, токи учала ҳокимият тармоғи ўзаро муносабатларида бир-бирига таъсир этиш ва акс таъсир кўрсатиш механизмларига эга бўлади. Масалан, бундай ваколатлар доирасига:

- Президентнинг Олий Мажлисни тарқатиб юбориш функцияси;
- Президентнинг қонунни имзоламасдан, ўз эътирозлари билан қайта овозга қўйиш учун парламентга қайтариш ҳуқуқи;
- Олий Мажлиснинг Президент фармонларини тасдиқлаш ваколати;
- Конституциявий суднинг Олий Мажлис қабул қилган қонунларни Конституцияга зид деб топиш ҳуқуқи ва ҳоказо;

Тўртинчидан, давлат ҳокимиятининг ягоналиги. Ҳокимиятлар тақсимланиши принципи давлат ҳокимиятининг бир неча қисмларга ажралиб кетишини англатмайди. Бу принцип ҳокимиятни амалга ошириш билан боғлиқ мураккаб функционал механизм орқали намоён бўлиб, ҳокимиятнинг турли идораларини келиштириш ва махсус ҳуқуқий жараёнларни бирлаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Ҳокимиятнинг ягоналиги (ҳокимият идораларининг ҳамжиҳатлиги) ва тақсимланиши давлат

¹ **Қаранг:** Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 2010 йил 12 ноябрь. Тошкент: Ўзбекистон. – 2010. – 60 б.

ҳокимияти тармоқларининг диалектик ҳолатидир. Ягоналикка диалектик мувозанат орқали, ҳокимият идораларини уйғунлаштириш ва мувофиқлаштириш ёрдамида эришилади.

Мазкур принцип асосида давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг оқилона механизми мустаҳкамланган. Эътибор билан таҳлил этадиган бўлсак, аввало, қонун чиқарувчи органнинг ўзи ҳокимиятлар тақсимланиши принципи асосида тuzилади. Конституциянинг 91-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат ҳокимияти вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, қуйидаги лавозим эгалари депутатлик мандатини ололмайдилар: Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳўжалик суди раислари ва аъзолари (Конституция 108–112-моддаси). Бу ҳокимиятнинг бир-биридан ажралиб қолганлигини англатмайди.

Конституциянинг 80-моддасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларида, шунингдек, уларнинг органлари мажлисларида Ўзбекистон Республика Президенти, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Республика Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик судининг раислари, Бош прокурори, Марказий банки бошқарувининг раиси иштирок этишлари мумкинлиги белгиланган.

Фикримизча, ҳозирги вақтда мамлакатимизда прокурор ва адвокатнинг тенглигини, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишув бўлишини таъминлашга, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар изчил амалга оширилгани ҳам алоҳида мақомга эга давлат органи моҳиятини олий мақсадимизга қаратилаётганидан далолат беради. Бу борада “Хабеас корпус” институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилиши принципиал қадам бўлди.

Ҳар қандай давлат органларининг белгилари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим: 1) қонун нормаси асосида ташкил этилиши ва унга мувофиқ фаолият юритиши; 2) давлат механизми унинг ихтисослашганлигидан келиб

чиқиб, муайян таркибий ва функционал тузилишга эгаллиги; 3) ҳокимият ваколатларига эгаллиги, қонун билан белгиланган муайян бир соҳага доир вазифа ва мажбуриятларни давлат номидан амалга ошириши ҳамда ушбу жараёнда бир-бири билан ўзаро ҳамкорлик қилиши; 4) давлат бюджети томонидан молиялаштирилиши; 5) ҳудудий миқёсида фаолият юритиши.

Давлат органлари ўз ваколатларини доимий равишда амалга ошириб боришлари учун давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади. Масалан, барча давлат органлари ўзларининг банкдаги ҳисоб-рақамига эга бўлиб, ўз хизматчиларига маош тўлаш ва зарур моддий-техник воситалар учун доимий равишда маблағ ажратилиб боради. Давлат органлари жамиятнинг турли соҳаларда фаолият олиб бorganлиги сабабли, улар давлат номидан иш олиб боради. Масалан, давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик ва прокуратура органлари амалга оширса, Ташқи ишлар вазирлиги эса, ташқи функцияларни амалга оширади.

Давлат органлари муайян ҳокимият ваколатларига эгаллиги билан бошқа давлат муассасалари ва ташкилотларидан фарқ қилади. Давлат органлари ишонтириш ва мажбурлаш усулларида фойдаланган ҳолда қонун ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлайди. Давлат ташкилотлари ва муассасалари эса бу каби ҳокимият ваколатларига эга эмас.

Давлат органлари хизмат турлари ва таркибига кўра муайян тузилишга эга. Масалан, ижро этувчи ҳокимият органлари вазирлик ва давлат кўмиталаридан иборат; вазирлик ва кўмита таркиби эса, бош бошқарма, бошқарма, бўлим, бўлинмалар тарзида ташкил этилади. Масалан, Ички ишлар вазирлигида Тергов бош бошқармаси, Тергов бошқармаси ва Тергов бўлими ва бошқа тузилмалар мавжуд.

Республика марказий давлат органларининг фаолият кўлами бутун Ўзбекистон ҳудудини қамраб олади, маҳаллий давлат органларининг фаолияти эса, фақатгина тегишли вилоят, шаҳар, туман ҳудуди миқёсида амалга оширилади. Кириш қисмида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси барча давлат ҳокимият органлари қонун воситасида ташкил

этилади ва қонунга асосланган ҳолда фаолият олиб боради. Ўзбекистон Республикасида қонунчиликка асосан ноқонуний ташкилотлар тузиш тақиқланади¹, уни бузиш тегишли жавобгарликни юзага келтиради.

Энг муҳими, Конституциянинг 14-моддасида “давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади” деган нормалар мазмуни функционал мақсади ва ҳуқуқий мақомидан қатъий назар ҳар қандай давлат органи фаолиятининг асосий принципи бўлиши шарт.

Ривожланган демократик давлатлар тажрибасини иноватга олган ҳолда, давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, шу жумладан, Марказий сайлов комиссияси, Марказий банк, Ҳисоб палатаси, Прокуратура фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича янги ҳуқуқий механизмларни ўрнатадиган ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотларни давом эттириш талаб этилмоқда. Зеро, ҳаётга татбиқ этаётган миллий моделимизнинг маъно-мазмуни – давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, яъни ислоҳотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишга йўналтирилган. Бу концептуал масалалар илмий талқин қилиниши мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон мустақиллик йилларида умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, “ўзбек модели” деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди. Барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очиқ демократик

¹**Қаранг:** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясида қабул қилинган. – Тошкент.: 2015. – 76 б.

ҳуқуқий давлат куриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари амалда олий қадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасида ўз олдимизга қўйган юксак мақсадга қаратилган узоқ ва мураккаб йўлдир.

Конституцияда белгиланган давлат ҳокимияти тизимини ташкил этиш принциплари, уларнинг моҳияти ва йўналишлари ҳамма ҳуқуқ соҳалари учун асос ҳисобланади. Хусусан, давлат ҳокимияти барча органлари тизими ва фаолияти учун конституциявий тузумнинг “давлат суверенитети”, “халқ ҳокимиятчилиги”, “конституция ва қонунларнинг устунлиги”, “инсон ҳуқуқларининг устуворлиги”, “ижтимоий адолат”, “давлат ҳокимияти ваколатларининг бўлиниши”, “сиёсий плюрализм ва кўппартиявийлик” каби принциплари муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Аслида, давлат ҳокимияти ваколатларининг бўлиниши принципи ниҳоятда мураккаб ҳуқуқий муносабатлар тизими орқали ўзининг амалий ифодасини топади. Чунки, бу муносабатларнинг субъектлари серқирра фаолият соҳиблари бўлмиш қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти идораларидир. Бироқ ҳуқуқий муносабатлар ўз ибтидосини ягона умумий принцип-нормадан, яъни Конституциямизнинг 11-моддасидаги қоидадан олади. Бу умумий ҳуқуқий муносабат бўлиб, унда иштирок этувчи барча субъектлар мазкур принципни амалга оширишга масъул ҳисобланадилар. Ушбу моддадаги қоидадан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва бурчлар, ваколатлар шу конституциявий-ҳуқуқий муносабатнинг мазмунини ташкил этади.

Айни вақтда ўзаро тийиб туриш тизими ҳокимиятнинг муайян бир тармоғига давлат фаолиятини бошқаришда мутлақ ҳуқуққа эга бўлиш имконини бермайди, ўзаро мувозанат тизими эса давлат ва жамият ишларини бошқариш вазифаларини биргаликда ҳал қилишда ҳокимият тармоқлари ўртасида ваколатларнинг аниқ ва оқилона тақсимланишини билдиради. Шу билан бирга, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизими ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро назоратни самарали амалга ошириш учун шароит яратади. Бу тизим ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳолатларининг

олдини олиш учун энг муҳим кафолат бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, умуман, қонунийликнинг самарали ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Ҳокимиятлар бўлиниши, улар ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини амалга ошириш механизмлари Асосий Қонунимизнинг бир қатор нормаларида аниқ мустаҳкамлаб қўйилган. Масалан, қонун чиқарувчи ҳокимиятни шакллантиришда – Олий Мажлис палаталарининг таркиби ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳар қандай аралашувисиз бевосита сайловчилар томонидан шакллантирилади. Ушбу принципни амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб, Конституция ва қонунлардаги ҳукумат аъзолари, судьялар, прокуратура ходимлари ўз вазифаларини бажараётган даврда давлат ҳокимияти вакиллик органининг депутатлари бўла олмаслиги ҳақидаги қоидалар ҳисобланади.

1.2. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилиши, ўзаро муносабатлари ҳамда улар ваколат ва вазифалари тақсимланишининг конституциявий-ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилишини ўрганганда, биринчидан, мамлакатимизда давлат ҳокимиятининг шаклланиши ва халқ иродасига мувофиқ ҳолда амалга оширилишини билдирувчи ҳокимиятининг қонунийлигига эътибор қаратамиз. Чунки, ҳозирги демократик давлатларда ҳокимиятнинг қонунийлигига сайловлар жараёнида эришилади, аҳоли маълум шахсларга давлат ҳокимияти ваколатларини топшириб, ўз сиёсий иродасини ифода этади.

Иккинчидан, ҳокимият ваколатларига эгалик қилиш улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўлга киритилган тақдирдагина қонуний ҳисобланади. Жумладан, давлат ҳокимиятининг сайлаб қўйиладиган органлари демократик сайловлар йўли билан, бошқа органлари эса – қонун билан белгиланган тайинлаш, танлов, бошқа усуллар ёрдамида шакллантирилади.

Давлат ҳокимиятини ташкил қилиш нафақат ҳокимият ва бошқарув идораларини таъсис этишни, балки улар ўртасидаги кенг қўламли муносабатларни тартибга солишни ҳам назарда тутди.

Сабаби, давлат органларининг турли вазифаларни бажариши ҳамда ваколатлари тақсимланган бўлишига қарамай, давлатнинг барча вакиллик ва бошқарув идоралари ягона тизимни, муштарак ва яхлит ижтимоий воқеликни ташкил этиши лозим. Конституциявий нормалар ҳокимият муносабатларига оид ҳуқуқий жараёнлар ривожининг асосини ташкил этади. Улар барча давлат идоралари уйғун тарзда ўзаро ҳамкорликда ишлаши учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 89-моддасига кўра “Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда

хамкорлигини таъминлайди”¹. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган мазкур янги нормалар ҳокимиятлар бўлиниши принципининг янада ривожланишига олиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президентига унинг давлат органлари тизимида муҳим ўрин тутгани ҳолда, Конституция нормалари унинг зиммасига давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаш ва вазифасини ўташ мажбуриятини ҳам юклади.

Конституцияга киритилган янги қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фақат давлат бошлиғи сифатида фаолият кўрсатиши, ҳокимият бўлиниши принципининг амал қилиши мазмунини бойитади ва учала ҳокимият тузилмаларини бир-биридан холи, мустақил, айти пайтнинг ўзида ҳамжиҳат фаолият юритишини таъминлайди. Президентнинг бирор-бир ҳокимият тармоқлари тизимида киритилмаслиги давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти идоралари ўртасида келишилган ҳолда фаолият юритилишини таъминлаб, улар ўртасида ўзаро муносабат мувозанатни сақлайди².

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органларининг ўзаро муносабатлари Конституцияда белгиланган бўлиб, улар мустақил ҳолда ўз фаолиятларини ташкил этади ва олиб боради. Давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши Конституцияда ҳокимиятлар тақсимланиши принципи сифатида мустаҳкамланган.

Ҳокимиятларнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг энг муҳим воситаларидан биридир. Айти пайтда, давлат ҳокимиятининг бундай бўлиниши билан ҳокимият органлари фаолиятидаги ўзбошимчаликка чеклов ўрнатилади ва инсон эркинлигини таъминлаш мақсадида идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда бир-бирини “тийиб” туриш муносабатлари юзага келади. Бу ўринда

¹Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2007. – 4-сон. – 162-м.

²**Қаранг:** Хусанов О.Т. “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги конституциявий қонунга ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига киритилган тузатишларга шарҳлар. – Т., 2007. – Б. 52.

ҳокимиятлар мустақиллиги ва уларни амалга оширувчи органларнинг мустақиллиги, бир-бирининг фаолиятига аралашмаслиги ўта муҳимдир.

Ҳокимиятлар тақсимланиши принципининг моҳияти шундан иборатки, ҳокимиятларнинг ҳар бири давлат вазифаларини мустақил равишда бажариш билан бирга, ўз ҳуқуқий воситалари билан бир-бирини мувозанатда сақлаб туради, ҳокимият ваколатлари биргина ҳокимият қўлида тўпланишининг олдини олади¹. Ҳокимиятлар тақсимланиши принципи унинг бўлинишини англатмайди, балки у ягона бўлиб, фақат давлат функцияларини бажариш учун тармоқларга ажратилган.

Президент Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир. У давлат қонун чиқарувчи ва ижроия органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошлиғи сифатида республика ҳудудида Конституция ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан бутун мамлакат ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Бундай ҳолат республика Президентининг “ҳокимият тақсимланиши” принципига асосан, қонун чиқарувчи ҳокимиятдан мустақил бўлиши кераклигидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам Президентни бевосита сайловчилар сайлайдилар ва унинг дахлсизлиги қонун билан таъминланади.

Қонун чиқарувчи органлар айтиб бериш вақтининг ўзида вакиллик органлари ҳам ҳисобланадилар. Ҳокимият тақсимланиши принципига биноан қонун чиқарувчи ҳокимият зиммасига қонунчилик фаолияти – олий юридик кучга эга бўлган ва энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳуқуқий ҳужжат – қонун қабул қилиш вазифаси юклатилган.

¹ **Қаранг:** Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи / Проф. Х.Одилқориевнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2005. – Б. 148.

Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи органлари сирасига Олий Мажлис ва Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси киради.

Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи олий давлат вакиллик органи – Олий Мажлисдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мутлақ ваколатига Республика Конституцияси ва қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартишлар ва тўлдиришлар киритиш, шунингдек, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари органлари тизими ва ваколатларини аниқлаш, бож, валюта ва кредит ишлари, маъмурий-ҳудудий тузилмалар масаласи, республика чегараларини ўзгартириш, Вазирлар Маҳкамасининг тавсиясига биноан Республика бюджетини қабул қилиш ва уни бажариш устидан назорат ўтказиш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш, республиканинг халқаро шартномалари ва битимларини тасдиқлаш ва денонсация қилиш, Президент фармонларини тасдиқлаш кабилар киради.

Бундан ташқари, Олий Мажлис давлатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги асосий йўналишларини аниқлайди ва улар устидан умумий парламент назоратини амалга оширади. Республика Конституциявий судини, Олий судини, Олий ҳўжалик судини ва Президент тақдимиға мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини, Марказий банк раисини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституцияда кўрсатилган давлат органларини тузиш соҳасидаги ваколатлари сирасига шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ҳисоб палатаси раисини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси, Ўзбекистон

Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади¹.

Қонун чиқарувчи олий давлат вакиллик органининг хусусияти шундаки, унинг Қонунчилик палатаси кўппартиявийлик асосида бевосита халқ томонидан сайланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон халқининг иродасини амалга оширади ва унга умуммажбурий тус беради. Бу орган ўзи чиқарган ҳужжатларни бажаришга қаратилган чоралар кўради ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилади. Қонун чиқарувчи орган қабул қилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилиши барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Президент давлат бошлиғи сифатида парламентга таъсир этишга имкон берувчи тегишли ваколатларга эга. Аввало, у қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг фаолиятини уйғунлаштиради. Қонунларнинг Президент томонидан имзоланиши чуқур рамзий маънога эга бўлиб, бу билан у бутун халқ (миллат)нинг иродасини мужассам этади. Президент ўз ваколатларини халқдан олади, шу боис ўз имзоси билан халқ иродаси ва эзгу истагини акс эттирувчи қонунни тасдиқлайди. Конституция Президент зиммасига бутун давлат тақдири учун жавобгарликни юклайди. Шу сабабли унга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини беради. Қонунни ўз эътирозлари билан Олий Мажлисга қайтаришида қандайдир ғайритабиийликни кўриш керак эмас, чунки қонун қабул қилинган, унинг ижросини таъминлаш Президент зиммасига тушади².

Демак, Президент мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий равнақига имкон бермайдиган қонунга (унинг айрим қоидаларига) эътироз билдириши мумкин ва бу табиийдир. Агар Олий Мажлис илгари ўзи қабул қилган қонунни учдан икки қисмдан иборат кўпчилик овоз билан тасдиқласа, Президент қонунни имзолайди (Конституциянинг 93-моддаси,

¹**Қаранг:** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашини ўн биринчи сессиясида қабул қилинган. – Тошкент.: 2015. 76 б.

²Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи / Проф. Х. Одилқориевнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2005. – Б. 155.

14-банди). Ушбу конституциявий қоида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги бир-бирини ўзаро тийиб туриш ва мувозанатлаш тизимининг муҳим бир элементини мустаҳкамлайди¹.

Президентнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини, яъни Олий Мажлис эътиборига қонун лойиҳаси, шунингдек, қонун чиқаришга оид таклифларни тақдим этиш ҳуқуқи мавжудлигини таъкидлаш лозим. (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддаси).

Конституцияда Олий Мажлис томонидан Президент бошчилигидаги ва олий суд ҳокимиятига тийиб турувчи таъсир кўрсатиш механизмлари назарда тутилган. Масалан, Олий Мажлис қонунлар, шу жумладан Конституцияни қабул қилиш йўли билан Президентнинг, Вазирлар Маҳкамасининг ва судларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб қўяди; ижроия ва суд ҳокимияти органлари учун мажбурий норматив мўлжал бўлиб хизмат қилувчи ички ва ташқи сиёсат асосларини белгилайди; Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик судининг таркибини сайлайди, Вазирлар Маҳкамаси таркибининг тайинланишини, Президентнинг фармонларини тасдиқлайди².

2014 йил 16 апрелда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 7-бандига киритилган ўзгартишга мувофиқ, Президент мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг муҳим масалалари бўйича Олий Мажлисга мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Унинг Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки айрим жойларида ғавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги қарори уч кундан кечиктирилмасдан Олий Мажлис тасдиғига киритилади.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига ва “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонунга асосан, Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда самарали фаолият кўрсатилишига, қонунларнинг ижро этилишига, Олий Мажлиснинг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси

¹ Ўша жойда.

² Ўша манба.

Президентининг фармон, қарор ва фармойишларининг бажарилишига раҳбарликни таъминлайдиган ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонунда Вазирлар Маҳкамасининг ижроия ҳокимият органи сифатидаги фаолиятининг асосий йўналишлари тўлиқ кўрсатиб берилган. Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида коллегиялик, демократия ва қонунийлик, Ўзбекистон Республикасида яшовчибарча миллатлар ва элатларнинг манфаатларини ҳисобга олиш принципларига асосланади.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида жавобгардир. Амалдаги Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади, бироқ Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби шакллантирилгунига қадар, мамлакат Президентининг қарорига мувофиқ ўз фаолиятини давом эттириб туради.

Одил судлов давлат фаолиятининг бир тури бўлиб, жамиятда содир бўладиган ва ҳуқуқий нормаларнинг бузилиши натижасида келиб чиқадиган ижтимоий келишмовчиликларни кўриб чиқиш ва ҳал этишга қаратилгандир. Одил судлов ўзининг махсус белгилари билан ажралиб туради. У давлат номидан, қонунда белгиланган процессуал тартибда ҳамда фуқаровий, жиноий ва бошқа ишларни суд мажлисларида кўриб чиқиш орқали амалга оширилади. Одил судловни амалга оширувчи суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Суднинг фаолияти ижтимоий адолатни, тинчлик ва тотувликни таъминлашга, ҳуқуқий тартиб ва қонунийликни барча чоралар билан мустаҳкамлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги қонунининг 1-моддасида кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикасининг суд тизими беш йил

муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Республика Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, шу муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судларидан иборат.

Моҳиятан, судлар – ҳуқуқни қўриқловчи оддийгина орган эмас, ҳокимиятнинг тўлақонли субъекти. Суд қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлашнинг ўта нозик, сайқал топган, энг мукаммал воситаси (механизми)дир¹.

Конституция ва қонунда кўрсатилган судлардан ташқари, бошқа бирор-бир давлат органи ёки ташкилотнинг судлов ишини амалга оширишига ёки ғавқулодда судлар тузилишига йўл қўйилмайди.

Масалан, Конституциявий суд– қонунларнинг ва Олий Мажлис қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, Президент фармонларининг, ҳукумат ва маҳаллий давлат органлари қарорларининг Конституцияга мослигини аниқлайди, Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради. Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимиятлар билан тенг фаолият кўрсатиши Конституция даражасида мустаҳкамланган. Асосий қонунимизда “судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар”, деб эълон қилинган. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади. Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

¹Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи / Проф. Х.Одилқориевнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2005. – Б. 157.

Шундай қилиб, ҳокимиятлар тақсимланиши ва давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилиши ва бир-бирини назорат қилиши нуқтаи назаридан, улар ўртасидаги низоли вазиятларни ечиш ва фуқароларнинг манфаатини ҳимоя қилиш жиҳатдан энг самарали юридик восита бўлиб хизмат қилади. Ҳокимиятлар тақсимланиши ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг демократлаштирилганлик даражасини кўрсатувчи мезондир. У турли кутбларда турувчи ҳокимият ва эркинлик, қонун ва адолат, давлат ва шахс каби ижтимоий ҳодисаларни инсон қадр-қиммати нуқтаи назаридан келиб чиқиб узвий мужассамлаштиради¹.

Одил судловни амалга ошириш принципларидан яна бири судьяларнинг мустақиллигидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддаси ва “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига асосан, судьялар мустақил бўлиб, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирор-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

“Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 67-моддасида судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш кафолатлари кўрсатилган. Бу кафолатлар қуйидагилардан иборат: уларни қонун билан белгиланган тартибда тайинлаш ва озод қилиш; судьялар дахлсизлиги; одил судлов қатъий тартибда амалга оширилиши; қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши; судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашиш; судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик; судьяга унинг олий мақомига муносиб равишда давлат ҳисобидан моддий ва ижтимоий таъминот белгилаш.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 70-моддаси судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида судьянинг шахсий дахлсизлигини мустаҳкамлайди.

¹Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи / Проф. Х.Одилқориевнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2005. – Б. 157.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиб айтадиган бўлсак, оммавий ҳуқуқ фанлари олдида мазкур муаммоларини тадқиқ этишни янада юксакроқ даражага кўтариш талаб этилади. Чунки давлат қурилишининг дастлабки шаклланиш босқичида умумий ёндашувлар ва методологик асосни ишлаб чиқиш зарур бўлган бўлса, эндиликда конституциявий ҳуқуқнинг алоҳида институтларини, айниқса алоҳида мақомга эга давлат органларини чуқурроқ ўрганиш, унинг бошқа давлат органлари билан ҳамкорлиги чорраҳаларида юзага келадиган муаммоларни, шунингдек давлат ва ҳуқуқ назарияси, конституциявий ҳуқуқ, маъмурий, сиёсатшунослик, фалсафа, социология ва бошқа фанлар билан ўзаро муносабатларини тадқиқ этиш вазифалари турибди.

Давлат қурилишининг долзарб муаммоларига янгича ёндашувлар ишлаб чиқишни ва муҳим масалаларни ҳал этишнинг янги, ноанъанавий ҳуқуқий ечимларини излаб топишни тақозо этмоқда. Конституцияга киритилган ўзгартишлар, парламент ва давлат ҳокимиятининг юқори органлари ўртасидаги барча муносабатлар тизимидаги ислохотлар уларни илмий таъминлаш бўйича ҳуқуқшунос олимларнинг асосли тавсиялари ва ишланмалари, ташаббусли қонун лойиҳалари ишлаб чиқишни, хориж тажрибасини пухта таҳлил қилиш ва умумлаштиришни тақозо этмоқда.

Алоҳида мақомга эга бўлган давлат органларининг давлат ҳокимияти органлари тизимида тутган ўрни ва фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини алоҳида конституциявий институтлар сифатида функционал ва таркибий таҳлилига бағишланган ишлар ҳали кам. Масалан, алоҳида мақомга эга бўлган давлат органларининг турли даражалардаги давлат ҳокимияти органлари мақоми ва ваколатининг тақсимланиши ўртасидаги муносабат муаммоси деярли тадқиқ этилмаган. Шу боис, мазкур органларнинг функциялари ўртасидаги ўзаро муносабат ва алоқадорлик муаммолари бўйича изланишлар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Мамлакатнинг конституциявий тараққиётини холисона изоҳлашга ҳамда баҳолашга қодир бўлган назарий қараш, энг аввало, жамиятимизни

тараққиёт ва демократия сари олиб борувчи равон йўлга, шунингдек халқимизнинг буюк келажагига бўлган ишончига асосланади.

I боб бўйича хулоса

Асосий Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади. Мазкур принципга биноан, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари мустақилдирлар ҳамда тенгдирлар ва ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш принципига мувофиқ, аввало, Конституцияда ҳамда қонунларда белгиланган ваколатлар доирасида фаолият кўрсатади.

Давлат ҳокимияти тизимида ваколат ва функцияларнинг бундай тақсимланиши давлат ва жамият ҳаётини бошқариш билан боғлиқ вазифаларнинг амалга оширилишида бутун ҳокимият унинг муайян бир тармоғи қўлида тўпланиб қолишининг олдини олишга хизмат қилади.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АЛОҲИДА МАҚОМГА ЭГА БЎЛГАН ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

2.1. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимида алоҳида мақомга эга бўлган давлат органларининг ташкил этиш зарурати, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва конституциявий-ҳуқуқий асослари

Давлат қурилиши, бу – ҳар бир халқ мустақил равишда амалга оширадиган жараёндир. Бунда ҳуқуқий давлатчиликнинг умумэътироф этилган концепциялари мавжуд бўлса-да, халқ ўз конституциявий йўлини излаши, кўп жихатдан, аҳолининг анъаналари, ҳуқуқий онги ва манфаатларига мақбул ҳокимият шаклини қуриши талаб этилади. Бундай ҳокимият шакли халқнинг ўзига хослиги, тарихий тажрибаси билан боғлиқ ҳуқуқий маданиятини ўзида намоён этади. Чунки барча халқлар учун мақбул келадиган тайёр андоза ва тавсиялар бўлмайди. Зеро, давлатчиликнинг барпо этилиши давлат қурилиши соҳасидаги энг илғор халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда ҳар бир халқнинг ўзи босиб ўтиши керак бўлган конституциявий тараққиёт йўлидир¹.

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти субъектлари ўртасида ваколатларни тўғри тақсимлаш масаласи босқичма-босқич ҳал этилди. Бу борада ҳокимиятлар бўлиниши тамойили, ҳеч шубҳасиз, концептуал йўналиш бўлиб, айни вақтда ҳокимиятни ташкил этиш ва унинг муайян ривожланиш босқичидаги фаолият кўрсатиши бўйича қулай моделни танлаш замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди.

Албатта, давлат-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотлар эҳтиёжи маъмурий ҳуқуқни ривожлантиришда мамлакатимизда давлат бошқаруви

¹**Қаранг:** Хамедов И.А. Ўзбекистонда ижро этувчи ҳокимият конституциявий-ҳуқуқий асосларининг ривожланиши. Халқ сўзи газетаси, 2014 йил 1 апрель сони.

амалиёти бугунги кунда қандай ҳолатда экани ва бу борадаги тарихий мероснинг ўзига хос хусусиятлари, давлат бошқаруви амалиёти ва назариясининг жаҳон миқёсидаги илғор ютуқларини ўзида уйғунлаштирган янги назарий ёндашувларни ишлаб чиқиш заруратини кун тартибига қўяди.

Ана шу нуқтаи назардан ёндашганда, алоҳида мақомга эга бўлган давлат органларининг давлат ҳокимияти органлари тизимида тутган ўрни, фаолияти, ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тадқиқ этишда мазкур давлат органларининг ташкил этиш мақсадлари, ижтимоий вазифаси, бажараётган функциялари тарихига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Хусусан, мустақиллик йилларида мамлакатимизда умумэътироф этилган стандартлар ва юксак демократик талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган сайлов тизими шаклланди ва унинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори яратилди. Сайловларни Конституция ва қонунчилик талаблари, халқаро андоза ва нормаларга риоя қилган ҳолда ўтказиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси ташкил этилган. Шу боис, сайлов қонунчилигида Марказий сайлов комиссиясининг ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш масаласига алоҳида аҳамият берилди. Қонунларимизга мувофиқ, сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнига ҳеч кимнинг, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралашishi мумкин эмас, бу ҳолатларга йўл қўйиш тегишли жавобгарликка асос бўлади.

Ўрганишлар кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон сайлов тизимининг ўзига хос муҳим жиҳати шундаки, сайловларнинг очик ва ошқора тарзда, қонун талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда ташкил этилишини ва ўтказилишини таъминловчи Марказий сайлов комиссияси бошчилигидаги мустақил сайлов комиссияларининг фаолият кўрсатишидир. Демак, давлат органлари тизимида фаолиятида бирон бир давлат органига тобе бўлмаган мустақил органни ташкил этиш зарурати демократик талаблардан келиб чиққан.

Марказий сайлов комиссиясига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича мутлақ ваколатлар берилган. Сайловларни ўтказиш давомида ҳокимият тузилмалари ёки жамоат бирлашмалари томонидан

сайлов комиссиялари фаолиятига аралашишга бўлган ҳар қандай уриниш қонун билан тақиқланади. Сайлов комиссиялари мустақил бўлиб, фақат қонунга бўйсунди. Марказий сайлов комиссиясининг, жойлардаги сайлов комиссияларининг бундай мақоми сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнларида қонунийликни таъминлаш имконини беради. Бу сайловчилар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалашини таъминлашнинг муҳим шартидир.

Қонунчилигимизда Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг ижро ҳокимияти иштироки ва таъсирисиз сайланишининг ўзига хос ноёб демократик тартиби ўрнатилган. Масалан, биринчи босқичда Марказий сайлов комиссияси аъзолигига ҳар бир номзод Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари мажлисларида ҳар томонлама муҳокамадан ўтади ва сайлаш учун парламентга тавсия этилади. Иккинчи босқичда эса, маҳаллий Кенгашлар томонидан Марказий сайлов комиссиясига аъзоликка сайланиш учун тавсия этилган номзодлар тегишинча Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг мажлисларида алоҳида муҳокамадан ўтади ва сайланади.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси комиссия аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномаси бўйича сайланади. Шунингдек, комиссиянинг мажлисида Марказий сайлов комиссияси аъзолари орасидан комиссия раисининг ўринбосари ва комиссия котиби сайланади. Булар ҳам Марказий сайлов комиссияси мустақиллигини таъминлайдиган қўшимча ҳуқуқий кафолат ҳисобланади¹.

Қиёслаш учун шуни айтиш керакки, аксарият давлатларда сайловларни ташкиллаштирувчи ва ўтказувчи ягона, марказлашган органлар тизими мавжуд эмас ҳамда сайловни ташкил қилиш функцияси ижро этувчи ҳокимият органлари зиммасига юклатилган. Масалан, Франция, Австрия ва Германияда сайловларни ташкил этиш билан Ички ишлар вазирлиги, Данияда Ички ва ижтимоий ишлар вазирлиги, Финляндияда эса Адлия

¹Акмал Раҳмонов. Мустақил сайлов тизими конституциявий асосларининг ривожланиши — жамият ҳаётини демократлаштиришнинг муҳим омили. Халқ сўзи газетаси, 2014 йил 5 апрель сони.

вазирлиги шуғулланади. Қиёсий таҳлиллар шундан далоат бермоқдаки, сайлов қонунчилигимиз, сайлов тизимимиз юқори даражада демократия принципларига мослигидан далолат беради.

Мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида баён этилган асосий ғоя ва қоидаларни ўзида мужассам этган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Марказий сайлов комиссияси ҳуқуқий мақомини оширишда катта аҳамиятга эга бўлди¹.

Конституциянинг 117-моддасига мувофиқ, Президент сайловини, Олий Мажлисга сайловни, шунингдек, референдумни ташкил этиш ва ўтказиш учун, Олий Мажлис томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошқоралик, адолатлиликдан иборат бўлган Марказий сайлов комиссияси тузилиши белгилаб қўйилди.

Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда амалга ошириши ҳамда ўз фаолиятида фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги ва референдум тўғрисидаги қонунларига ҳамда бошқа қонунларига амал қилиши мустаҳкамланди. Марказий сайлов комиссияси, яъни давлат ҳокимияти тизимида ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлган, бошқа давлат ҳокимияти органларининг ҳеч қандай аралашувларисиз сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишни таъминловчи мустақил, демократик шаклланган бундай тузилма мақомининг конституциявий даражада мустаҳкамланиши, сайловларни демократик, очик ва ошқора тарзда ўтказиш ҳамда унда қонунийликни ҳар томонлама таъминлашнинг яна бир муҳим қафолатидир².

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, 4-сон, 85-модда.

² Акмал Раҳмонов. Мустақил сайлов тизими конституциявий асосларининг ривожланиши — жамият ҳаётини демократлаштиришнинг муҳим омили. Халқ сўзи газетаси, 2014 йил 5 апрель сони.

Яна бир муҳим алоҳида мақомга эга орган – прокуратуранинг келиб чиқиши тарихи ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Масалан, прокуратура Францияда XIII-XIV асрларда қирол ҳокимиятининг феодаллар ўзбошимчалиги ва айирмачилигига (сепартизмга) қарши кураш билан боғлиқ тарзда вужудга келган деб ҳисобланади (Филипп IV нинг 1302 йилда чиқарган ордонанси)¹. Россияда эса прокуратура назорат органи сифатида Петр I нинг марказлашган ягона давлат ташкил этишга йўналтирилган давлат бошқарувини бутун таркибини фаол ислоҳ қилиш фаолиятини натижасида пайдо бўлган. Хусусан, бунга мансабни суистъемол қилиш, ғазнага зиён етказиш ва порахўрликни кўпайиши, давлат бошқаруви органлари томонидан подшо фармонларининг бажарилмаслиги, аҳоли ҳуқуқларини поймол қилиш ва уларга ўлпонлар миқдорини хаддан зиёд ошириб юбориш ҳолатлари кучайиши сабаб қилиб кўрсатилади.

Жумладан, 1714 йил 17 мартда Петр I прокуратуранинг дастлабки кўриниши – моҳиятан прокуратура функцияларини бажарадиган “Фискаллар тўғрисида”ги Фармон чиқарган. Назорат функцияларини подшонинг ўзи ва Сенат у ёки бу даражада амлага оширса-да, асосий вазифаларни фискаллар, генерал-ревизорлар, Сенатнинг обер-котиби, Сенатдаги навбатчи гвардия офицерлари амалга оширган. Шундай қилиб, бу ерда кейинчалик прокуратурага ўтган умумназорат функциялар вужудга келган. Аммо, фискаль хизмат ўта махфий (хуфёна) хизмат бўлганлиги боис жамоатчилик томонидан қораланган ҳамда қонунийлик, ҳуқуқ тартибот вазиятини яхшиланишига кучсиз таъсир қилган.

1722 йили Петр I Россияда аввал мавжуд бўлмаган янги давлат институти – прокуратурни жорий этди. Бу Петр I нинг 1722 йил 13 январдаги “Ҳудудий судларда прокурор лавозимини жорий этиш тўғрисида”ги

¹**Қаранг:** Исторические аспекты возникновения государственного органа – прокуратуры. Интернет манба:

фармонида ўз аксини топган¹. Петр I прокуратура подшо, давлат, черков ва барча фуқаролар манфаатини ҳимоя қилиши лозим деб ҳисоблаган.

Тарихчилар фикрига кўра, Россиянинг назорат институти француз прокуратураси, швед омбудсмени ва немис фискали элементларини ўз ичига олган. Франциядан асосий функция – органлар томонидан қонунни аниқ ижро этилишини назорат қилиш функциясини, ўз вазифасига кўра бош прокурор швед омбудсменига яқин, чунки унинг асосий вазифаси аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳокимият томонидан бузилишидан ҳимоя қилишбўлган². Бундан бошқа сабаблар ҳам айтилган³.

Ўзбекистон Республикаси Президенти “прокуратура қонунни, унинг талабларини қатъий ҳимоя қилувчи идора ҳисобланади. У ҳуқуқий ислохотларни ўтказишда, ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуриш ишида ҳал қилувчи ўрин тутади, шу боис прокуратура тўғрисидаги қонунни мукамал ишлаб чиқиш ўта муҳим аҳамиятга молик вазифадир” деган фикрларида прокуратуранинг том маънодаги моҳияти ва заруратини, прокуратура фаолиятининг маъно-мазмунини ҳар томонлама очиқ берган⁴.

Шу билан бирга, прокуратура халқнинг устидан назорат қилмаслиги, аксинча, унга хизмат қилиши, прокуратура ваколатининг доирасини, унинг фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини айнан ана шу нуқтаи назардан келиб чиқилиши белгиланган.

Фикримизча, прокуратура органлари зиммасига фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилиши ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида бошқарув ва контроль органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлигини назорат қилиб бориши функциясининг юклатилиши, қонунга кўра, прокурорлар суд қарорлари ижросини тўхтатиш ҳуқуқига эга эмаслиги жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу нормалар мамлакатимизда амалда судларнинг мустақиллигини

¹ **Қаранг:** История государства и права России // В.М. Клеандрова, Р.С. Мулукаев [и др.]; Под ред. Ю.П. Титова - 2-е изд. Перераб. и доп. – М., ТК Велби. Издательство Проспект. 2008. С. 75.

² **Қаранг:** Рыбаков Б.А. Мир истории: начальные века русской истории.. М., 1981. С. 79.

³ **Қаранг:** Соловьев С. М. Чтения и рассказы по истории России. М., 1989. С. 115.

⁴ **Қаранг:** Каримов И. А. “Адолат - қонун устуворлигида”. Иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги маърузаси. 2001 йил 29 август // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.

таъминлаб, суд ва прокуратура ваколатлари ўртасидаги тегишли мувозанатни ўрнатишга хизмат қилмоқда.

Суд-хукук соҳасидаги ислохотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, прокуратура тизими устидан жамоатчилик назоратни кучайтириш, унинг айрим ҳуқуқларини чегаралаш ва қисқартириш, бу ҳуқуқларнинг кўпини суд органларига ўтказиш масалаларига аниқликлар киритилди. Бундан ташқари, Президентнинг айрим ваколатларини, жумладан, прокуратура раҳбарларини тасдиқлаш ваколати Сенат ихтиёрига ўтказилди.

Айни пайтда, прокуратура органларининг суд жараёнига аралашувини жиддий чеклаш бўйича қонунчиликка тегишли ўзгартишлар киритилиши натижасида суд жараёнида тортишув тамойили, яъни прокурор билан адвокат ҳуқуқларининг тенглиги таъминланмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, прокуратура органлари ваколатларининг бир қисмини судларга ўтказиш ҳозирги замоннинг мантикий талабидир¹.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда прокуратура, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг бутун бир тизими фаолиятини ташкил этишга янгича ёндашувлар акс этган муҳим ҳужжатлар – қонунлар, жиной жазолар тизимини, судларнинг иш юритувини, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни либераллаштириш тўғрисидаги фармонлар қабул қилинди. Натижада, прокуратуранинг жазоловчи орган эмас, биринчи навбатда фуқароларманфаатини, жумладан, давлат тазйиқидан ҳам ҳимоя қилиш функциялари устувор этиб белгиланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида, шунингдек, фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида 2007 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилиниши билан инсонпарвар, либерал жиной жазо тизимларидан бири яратилди.

¹**Қаранг:** Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. –Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.

Президентимиз прокуратура органининг давлат ҳокимияти тизимида тутган алоҳида ўрни масаласига тўхталиб, “юртимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонунийликни таъминлаш борасида жиддий ишлар амалга оширилди, биринчи навбатда, прокуратура фаолиятини ислоҳ қилиш, уни собиқ тузум даврида бўлганидек партиявий элита қўлидаги жазолаш қуроли эмас, балки қонунларнинг қатъий ижро этилишини, мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг изчил ривожланишини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган органга айлантириш бўйича салмоқли ишлар қилинди” деб таъкидлайди¹.

Марказий банкнинг ҳуқуқий мақоми, вазифалари, ваколатлари, ташкил этилиши ва фаолияти принциплари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлар билан белгиланган. Унга мувофиқ, Марказий банк юридик шахс ҳисобланади ва у давлатнинг мутлақ мулкидир. Марказий банк – ўз сарф-харажатларини ўзининг даромадлари ҳисобидан амалга оширувчи, иқтисодий жиҳатдан мустақил муассасадир. Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборатдир.

Унинг асосий вазифалари, биринчидан, монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш; иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш; учинчидан, банклар, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар, валюта биржаси ва кредит бюрolari фаолиятини лицензиялаш ҳамда тартибга солиш, банклар, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва кредит бюрolarини назорат қилиш, қимматли қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришни лицензиялаш; тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта резервларини, келишувга биноан ҳукумат резервларини қўшган ҳолда,

¹**Қаранг:**Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б. 12–13.

сақлаш ва тасарруф этиш; бешинчидан, давлат бюджетининг касса ижросини Молия вазирлиги билан биргаликда ташкил этишдан иборатдир¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 27 июндаги ПФ-3093-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонида, ушбу органни ташкил этиш мақсади қўйидагича белгиланган: Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси, давлат активлари ва пассивларининг ҳолати ҳамда ҳаракати, қимматбаҳо металллар ва тошлар билан операциялар амалга оширилиши, олтин-валюта захираларини бошқариш, хорижий капитални республика иқтисодиётига жалб этиш ва ундан самарали фойдаланиш, давлатнинг ташқи қарзи ўз вақтида қайтарилиши доимий мониторинги ва назоратини таъминлашдир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ҳисобот бериши ҳамда баҳо беришда мустақил ва холис бўлган орган ҳисобланиши мустаҳкамланган².

Россияда ҳисоб-назорат палатаси молия-бюджет соҳасида мустақил орган ҳисобланади. Уларнинг ваколатларини қуйидагича таснифлаш мумкин: 1) назорат-тафтиш; 2) эксперт-таҳлилий; 3) ташкилий-техник йўналиш³.

Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси ҳузурида Ҳайъат тузилади. Бундан ташқари, Ҳукумат ёки у вакил қилган органлар олтин-валюта захиралари билан операцияларни амалга ошириш бўйича томонлардан бири сифатида ҳаракат қиладиган барча қарорлар Ҳисоб палатаси билан келишилган ҳолда қабул қилиниши шартдир.

Конституциямиз тарихда синалган умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасига кўра, “Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар”. Энг қадимги тарихий-ҳуқуқий

¹Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда.

²Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги тўплами, 2002 йил, 11-12-сон, 88-модда.

³ Н.М. Баскакова. Конституционно-правовой статус Контрольно-счетной палаты субъекта Российской Федерации. Специальность 12.00.02. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Москва. – 2008. – 28 с.

манбалардан бири зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да таъкидланишича, бизнинг аجدодларимиз тўртта элемент – ер, сув, олов ва ҳавони муқаддас ҳисоблаб, уларни ҳимоя қилганлар. Унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиб, ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилганлар.

Юртбошимиз Ислом Каримов: “Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир, уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир”, – деб таъкидлайди. Демак барчанинг юксак масъулиятларидан бири – табиат бойликларини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш вазифасидир. Ана шу боис бу соҳада алоҳида мустақил орган ташкил этиш зарурати вужудга келган.

2.2. Ўзбекистон Республикасида алоҳида мақомга эга бўлган давлат органларининг ваколат доираси ва фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари

Давлат ҳокимияти органи фақат давлат томонидан тузилади ва уни номидан ҳаракат қилади. Уларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тартибини, ваколатлари доирасини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда уларни бузган ҳоллардаги жавобгарлигини фақат давлат белгилайди. Ҳар бир давлат органи ўзига хос махсус тузилма ва ваколатлар ҳажмига эга, аамо уларнинг барчаси давлат функцияларини амалга оширувчи бир яхлит, ягона давлат ҳокимияти сифатида намоён бўлади. Шундай қилиб, давлат органи давлат механизмининг ўзига хос бўлган фаолиятида ташкилий-ҳуқуқий шаклларига эга, нисбатан алоҳида мақомли ва мустақил таркибий қисмидир.

Масалан, ҳокимиятнинг учала шохобчаси, биргаликда ягона давлат ҳокимиятини ташкил этадилар. Улардан бошқа ҳеч бир давлат органи ҳокимиятга даъвогарлик қилолмайди. Ҳокимиятлар тақсимланиши принципининг муҳим жиҳатларидан бири шуки, унда ҳокимиятнинг ҳар бир шохобчаси (тармоғи) қолган икки ҳокимият субъектининг ҳар бирини назорат қилиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлиши керак. Аммо бу назорат – устунлик эмас. Назорат ҳуқуқи назорат қилинаётган ҳокимиятнинг конституциявий ваколатларини ўзлаштириб олиш имкониятини бермайди.

Ўзбекистон Конституцияга биноан давлат ҳокимият тақсимланиши принципи негизида барпо этилади. Президент Ислон Каримов давлатимизнинг янгиланиш йўналишлари ва кўламларини белгилаб шундай деб ёзади: “Барқарор бозор иқтисодиёти очик ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш пировард мақсад бўлиб қолиши керак ... Сиёсий соҳадаги муҳим вазифалардан бири – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти

ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этишдир”¹. Табиийки, бизнинг республикамызда ҳокимиятлар тақсимланиши принципини жорий этиш ўзбек давлатчилигининг тарихий, маданий ва миллий хусусиятларини акс эттирувчи жиҳатларга эга бўлади.

Конституциянинг 79-моддасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари мустаҳкамлаб қўйилган. Бунда “мутлақ ваколат” деганда, фақат Қонунчилик палатасининг ўзи амалга оширадиган ваколатлар назарда тутилади. Бундай ваколатларга – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш; Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш киради.

Олий Мажлис Сенатининг мутлақ ваколатлари Конституциямызнинг 80-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, улар нафақат Сенат фаолиятини ташкил этиш, балки давлат органлари, шу жумладан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни шакллантириш, ташқи сиёсат, амнистия, давлат раҳбарининг фармонларини тасдиқлаш, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш билан боғлиқдир. Хусусан, Олий Мажлис Сенати Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий ҳўжалик судини сайлайди, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг раисини, Марказий банк бошқарувининг раисини тайинлайди ҳамда уларни лавозимларидан озод этади.

Олий Мажлис Сенати Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ҳисоб палатаси раиси, Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ҳамда уларни лавозимларидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлайди. Ўзбекистон Республикаси

¹ **Қаранг:** Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т., 1992. – Б. 8.

Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакиллари тайинлайди ҳамда уларни лавозимларидан озод этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига биноан, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Бош прокурор ҳам эгадир ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

Демократия принциpidан келиб чиққан ҳолда таъкидланадиган бўлса, қонунчилик ташаббуси ва қонунни яратиш сайланган парламентга тегишли бўлиши лозим¹. Бизда бу фикрга нисбатан баъзи эътирозлар мавжуд. Агар парламентнинг фақат ўзи бутун қонунчилик жараёни билан шуғулланса ва бошқа бирорта ҳам давлат органи қонунчилик жараёнида қатнаша олмаса, унда парламент қабул қилган қонунларнинг самарадорлиги нисбатан пастроқ бўлиши табиий. Бошқа марказий давлат органлари, шу жумладан, “ижро этувчи ҳокимият сифатли қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун кўпроқ имконият ва ресурсларга эга”² деган фикрларга қўшиламыз. Зеро, маълум бир муносабатларни тартибга солишда, ҳуқуқий бўшлиқ мавжуд бўлган ҳолатларни аниқлаши ва бу ҳолатни давлат ҳокимияти бошқа органлари яхшироқ билиши табиий.

Депутат, сенаторнинг муҳим ваколатларидан бири – бу парламент сўрови юборишдир. Қонунга мувофиқ, депутат, сенатор давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови юборишга

¹ **Қаранг:** Джумабаев К. Н. Законодательная и исполнительная власти: взаимосвязь и взаимодействие: Дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1993. – С.89.

² **Қаранг:** Халилов Э.Х. Становление и развитие высшего законодательного органа государственной власти Республики Узбекистан: Дис. ... д-ра. юрид. наук. – Ташкент, 2000. – С. 214.

ҳақлидир. Бош прокурорга, суриштирув ва тергов органларининг раҳбарларига йўлланган парламент сўрови уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга тааллуқли бўлиши мумкин эмас.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳокимият тақсимланиши принципининг қатъий талабига кўра Президент ваколатига тааллуқли масала бўйича чиқарилган фармонни қонун билан бекор қилиш ёки фармонда белгиланганидан бошқача ҳал этиш ҳам мумкин эмас. Масалан, Президент фармони билан тайинланган республика Бош прокурорини ҳеч қандай қонун билан вазифасидан озод этиб бўлмайди. Бу лавозимларга ҳатто қонун билан ҳам бирор шахсни тайинлаб бўлмай қолади, чунки бу Президентнинг конституциявий ваколатларига тажовуз қилиш, деб баҳоланади. Ва, аксинча, Конституцияда қонун воситаси билан тартибга солиш кўзда тутилган масала бўйича фармон чиқариш ҳам мумкин эмас.

Шу билан бирга, ҳокимнинг ҳукумат ҳужжатларига зид, прокурор протест билдирган қарорлари шу ҳокимнинг ўзи томонидан ёки юқори турувчи ҳоким ёнки Вазирлар Маҳкамаси, заруратига қараб эса, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайта кўриб чиқилади¹. Бош прокурор Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эга.

Конституциявий суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Адлия вазири қатнашишлари мумкин. Улар кўриб чиқиладиган барча масалалар юзасидан ўз фикрларини баён этишга ҳақлидирлар. Конституциявий суднинг судьясига нисбатан жиноий иш фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Жиноий жавобгарликка тортилган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида, уларга кенг ҳуқуқлар белгиланган: улар ўзларининг нимада айбланаётганлигини билиш, ўзларига қўйилган айблов юзасидан ва ишнинг бошқа ҳолатлари бўйича кўрсатув ва тушунтириш бериш; жиноий ҳаракатларини исботловчи далиллар билан

¹Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2007. – № 9. – 420-модда.

танишиш, ўзларига нисбатан жиноятишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқларига эга. Ҳимояланиш ҳуқуқи суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд зиммасига гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериш ҳамда у ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиши учун қонунда назарда тutilган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имконият яратиб беришни юклайди.

Амалдаги қонунларга мувофиқ, судьянинг турар жойига ёки хизматхонасига, фойдаланадиган транспортга кириш, уларни кўздан кечириш, уларда тинтув ўтказиш ёки улардан ашёни олиш, телефондаги сўзлашувларини эшитиш, судьяни шахсан кўздан кечириш ва уни шахсий тинтув қилиш, шунингдек, унинг хат-хабарларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ёки олишга фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоят, Тошкент шаҳар прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг рухсати ёки суднинг қарори билан йўл қўйилади.

Ҳуқуқшунос олим А.К.Рахимов ўз таҳлилларида ўтиш даври ва миллий давлатчилиқни барпо этиш шароитида объектив зарурат бўлган кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига изчил ва босқичма-босқич ўтишга эришиш ушбу даврда давлат тизимини ислоҳ этишнинг асосий ва ҳал қилувчи вазифаси бўлиб, бу даврдаги демократик ислоҳотлар натижасида мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламентга айлантирилгани, палаталар ўртасида ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни сақлашнинг самарали тизимини вужудга келтириш, умумдавлат ва ҳудудлар манфаатларининг уйғунлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар амалга оширилганини таъкидлайди¹. Ушбу олимнинг ҳар қандай

¹ **Қаранг:** А.К.Рахимов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асослари. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент. -2009. – 19 Б.

давлат органини ташкил этилишида аввало унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасини аниқ белгилаб олиш зарур деган фикрларига тўлиқ қўшиламиз.

Дарҳақиқат, парламентнинг ваколатлари ва ўзаро муносабатлари доираси “Референдум яқунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида”ги¹, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонунларда аниқ белгиланган².

Масалан, экология соҳасида давлат функциясини амалга оширувчи ижроия ҳокимият органларининг тизимини Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси, вилоят ва туман ҳокимликлари, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Саноатда ва қишлоқда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси кабилар ташкил этади.

Ижро этувчи давлат ҳокимияти органларининг экология соҳасидаги ваколатлари қуйидаги қонунларда ўз аксини топган: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги, “Маҳаллий ҳокимият органлари тўғрисида”ги, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ўрмон тўғрисида”ги, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонунларида, Ер кодекси, Ҳаво кодекси ҳамда экология

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2002. №4-5. 60-модда.

² **Қаранг:** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2002. №12. 213, 215-моддалар.

соҳасидаги давлат функциясини амалга оширувчи вазирликлар, давлат кўмиталарининг низомларида белгиланган.

Экология соҳасидаги давлат функцияси ижро этувчи органларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилишни ва табиатдан фойдаланишни ташкил қилишида намоён бўлади. Ушбу функцияни ташкил этиш асосида инсон учун атроф табиий муҳитни яхшилаш, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш мақсадлари туради.

Давлатнинг экологик функцияси орқали ижроия органлари, табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнини ташкил этадилар ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқини амалга оширадилар. Давлат бошқарув органларининг ижроия фаолияти ушбу органларнинг ижроия ҳокимиятига тааллуқлилигидан келиб чиқиб, қонунчилик ва вакиллик органларининг қарорларини амалга оширишга қаратилган бўлади. Экология соҳасида давлат бошқаруви органларининг ижро этиш ва фармойиш бериш фаолияти табиий ресурслар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини таъминлашга қаратилгандир.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, экология соҳасида давлат функциясини амалга оширадиган ижроия органларнинг доираси кенгдир. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, экология соҳасида давлат функциясини амалга оширадиган органлар умумий ва махсус ваколатга эга бўлган давлат органларига бўлиш мумкин.

Хусусан, бу соҳада давлат функциясини бажарувчи махсус ваколатли органлар ичида марказий ўринни Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси эгаллайди. Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелдаги қарори билан тасдиқланган Низомга¹ мувофиқ табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат назоратини ҳамда тармоқлараро бошқарувни амалга оширувчи,

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1996. – № 5–6. – 70-модда.

идоралардан устун турувчи ҳамда мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органдир. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига бўйсунади ва унга ҳисобдордир.

Табиатни муҳофаза қилиш, давлат қўмитаси юқорида кўрсатилган Низомга асосан ўз ваколатлари доирасида:

- атроф муҳитни муҳофаза қилишда иқтисодий усуллари кенг қўллаш, ресурслари тежайдиган, камчиқит ва чиқитсиз технологияларнинг барча жойларда қўлланилишини рағбатлантириш, экология соҳасига фан-техника ютуқларини жорий этиш асосида табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини комплекс бошқаради;

- табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш юзасидан республика экологик нормативлар, қоида ва стандартларни тасдиқлайди,

- атроф муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш (оқизиш) нормативларини белгилайди ҳамда табиатдан фойдаланувчилар эътиборига етказди;

- давлат экологик экспертизасини ўтказди;

- атроф муҳит ифлосланишининг аҳволи ва унга бошқача зарарли таъсирлар, табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларнинг республика ягона экологик ахборот банкини ташкил этади ва юритади;

- республикада қўриқхоналарга доир ишларга раҳбарлик қилади, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳамда ҳайвонот дунёсининг давлат кадастрини юритишда қатнашади;

- экологик ташвиқотни амалга оширади, экологик таълим ва тарбияни ташкил этиш ҳамда юритишда иштирок этади;

- ифлослантирувчи моддаларни атроф муҳитга чиқариб ташлаш ва оқизиш, чиқиндиларни жойлаштириш ва кўмиш, сувдан махсус фойдаланишга, ов қилиш ва балиқ тутишга рухсатномалар беради, ёввойи доривор гиёҳлар, озуқа ўсимликлари ва манзарали ўсимликларни, техникавий хомашё ва бошқа табиий ҳосилаларни (шу жумладан мумиёни)

йиғиш (тайёрлаш), уларни республика худудидан олиб чиқиш ва республикага олиб кириш ҳуқуқини беради;

- табиатни ифлослантирганлик ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаганлик натижасида унга етказилган зиённи қоплаш тўғрисида юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан даъво қўзғатади;

- банк муассасаларига экологик қонун ҳужжатларини бузган ҳолда иш олиб борилаётган саноат ва бошқа объектларни лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш ёки кенгайтириш ишларини маблағ билан таъминлашни тўхтатиш тўғрисида тақдимнома киритади;

- экологик қоидаларга амал қилмай иш олиб борилаётган саноат ва бошқа объектларни лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш ёки кенгайтиришни тақиқлайди, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишини тўхтатиб қўяди;

- экологик талабларга риоя этмаган шахсларни маъмурий жавобгарликка тортади, зарурат бўлганида ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этади;

- табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан белгиланган ҳолларда ва тартибда давлат назоратини олиб боради ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Белорусь ҳуқуқшунос олими А.А.Примаченок табиат бойликларини ифлосланишдан сақлашда маълум давлат органлари билан ҳамкорлик қилишни, овлаш қоидаларининг бузилишига қарши курашда бошқа органлар билан ҳамкорлик қилишни, шаҳар ҳудудлари, меҳнаткашларнинг шаҳардан ташқаридаги дам олиш жойлари ва пляжларнинг санитария қоидаларига риоя қилган ҳолда сақланишини назорат қилишни, ички ишлар органларининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий

шакллари сирасига киритади¹. Давлатнинг экологик функциясини амалга оширишда прокуратура органлари ҳам муҳим ўринга эга².

В. В. Меркуловнинг фикрича, милициянинг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш борасидаги тадбирларни мувофиқлаштириб бориш ҳамда табиатга зарар етказадиган хатти-ҳаракатларнинг пайини қирқиш кўринишида бўлади³. Бизнингча, олдини олиш ва мувофиқлаштириш соф ташкилий шакллاردир, ҳуқуқбузарликларнинг пайини қирқиш эса назорат олиб бориш сингари ташкилий-ҳуқуқий шаклларга киради.

Бу соҳада давлат бошқарувини амалга оширишда махсус ваколатли давлат органи бўлган Ер ресурслари давлат қўмитаси катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси республика Президентининг 1998 йил 24 июлдаги фармони билан ташкил этилган бўлиб, унинг низоми Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги 314-сонли қарори билан тасдиқланган. Ушбу орган ер мониторингини амалга оширади, давлат ер кадастрини юритади; ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олади, ер ресурсларининг давлат ҳисобини олиб боради, ердан оқилона фойдаланиш ва унинг муҳофаза этилиши устидан давлат назоратини олиб боради; ер тузиш ишларини ташкил этади ва бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси “Стандартлаш тўғрисида”ги⁴ қонунининг 8-моддасида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги стандартлаш органлари сифатида белгиланган бўлиб, улар экологик стандартлашни амалга оширадилар.

¹ **Қаранг:** Примаченок А.А. Деятельность органов внутренних дел Белоруссии по предупреждению и пресечению преступлений против социалистического порядка природопользования (уголовно-правовые вопросы). – Минск, 1983. – С. 13.

² **Батафсил қаранг:** Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги 2001 йил 29 август қонуни (янги таҳрир) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – “2001. – № 9–10. – 168-м.

³ **Қаранг:** Меркулов В. В. Законодательные основы природоохранительной деятельности органов МВД СССР–Рязань, 1983. – С. 17.

⁴ **Қаранг:** Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг ахборотномаси. – 1994. – № 2. – 46-модда.

II боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтганда, барча давлат ҳокимияти органлари сингари махсус ваколатга эга давлат органлари давлат функцияларининг қонун асосида амалга оширилиши ва ушбу органларнинг тегишли ваколатларга эга бўлиши давлатимизнинг турли функцияларини рўёбга чиқаришга беради.

Президент И. А. Каримов мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган етти та муаммодан бири экология муаммоси эканлигини таъкидлаб ўтган эди¹. Чунки бу омил бевосита атроф табиий муҳитнинг ифлосланишига ва экологик тизимларнинг бузилишига таъсир этган ҳолда, билвосита ҳар бир давлатнинг куч-қудратини белгиловчи фуқароларнинг саломатлик даражасига, хомашёга боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш имкониятларига, экспорт салоҳиятини кўтарувчи экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришга салбий таъсир қилади. Шу сабабли ҳам экологиянинг бузилиши, билвосита таъсири кўзга яққол ташланиб турмаган бўлса-да, хавфсизликка яширин таҳдид солувчи омил бўлиб ҳисобланади.

Фикримизча, шу сабабдан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг ўта муҳимлигини, экологик хавфсизлик муаммоси бугунги кундаги энг муҳим муаммолардан бири эканлигини, бунда давлат фаолиятиалоҳида аҳамият касб этишини эътиборга олиб, бу соҳани давлат қўмитаси билан эмас, балки юқори ҳуқуқий мақомга эга бўлган вазирлик билан бошқариш, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасини Экология вазирлигига айлантириш ва унинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи низомни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

¹ Қаранг: Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т., 1998.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АЛОҲИДА МАҚОМГА ЭГА БЎЛГАН ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА БОШҚА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Ўзбекистон Республикасида прокуратура органлари ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятлари

Давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини бажариш учун махсус яратилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини тузади. Мазкур органларнинг давлат органлари тизимидаги ўрни шу билан белгиланади ва бу уларнинг асосий ва бош вазифасидир. Шу билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолияти бошқа давлат ва бошқарув органларининг функциясидан ажралиб туради. Бу уларнинг давлат органлари билан алоқасини истисно қилмайди, лекин ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мустақиллигини талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида қайд этилган давлат ҳокимияти тизимлари: ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти каби энг муҳим ҳуқуқ институтлари мақомлари қаторида прокуратуранинг конституциявий мақоми ҳам белгилаб берилган. Таъкидлаш жоизки, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан фарқли ўлароқ, Конституцияда прокуратура органларига унинг XXIV бобидаги бевосита 118–121-моддалар бағишланган. Прокуратура органлари мақомининг мамлакат Конституцияси даражасида белгиланиши унинг алоҳида мақомга эга давлат органи эканини билдиради.

Умуман олганда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари таркибига – прокуратура, миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар органлари, адлия органлари, адвокатура ва юридик хизмат, солиқ органлари, божхона ва бошқа органлар киради. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари – давлат органлари орасида алоҳида ўрин тутadi. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори

раҳбарлик қиладиган прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимидир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар. Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширади.

Прокуратура органлари қонунийлик, марказлашганлик, бирлик, маҳаллий ва бошқа давлат органларидан мустақиллик принциплари асосида фаолият кўрсатадилар. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси; Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси; вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари; туманлар ва шаҳарлар прокуратуралари; вилоят прокуратураларига тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси; туман прокуратураларига тенглаштирилган ҳарбий округлар, ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Солиқ, валютага оид ва жинойд даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолият кўрсатади.

Прокурорлар қонунлар ва Олий Мажлис қабул қилган қарорларнинг бажарилишини қатъий назорат қилади, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг таъминланиши бўйича фаолиятни мувофиқлаштиради. Прокуратура давлатнинг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан кундалик алоқада бўлган ҳолда фаолият юритади. Шу билан бирга, уларнинг ҳужжатлари ва ҳаракатлари қонунийлигини назорат қилади. У қонунийликни таъминлаш, қоидабузарликлар ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича биргаликдаги ҳаракатларнинг янада самаралироқ бўлиши учун барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ишини мувофиқлаштиради.

Ўзбекистонда прокуратуранинг ўзига хос конституциявий мақоми Конституциянинг 118-моддасида бевосита ўз аксини топган. Унга кўра, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади”. Прокуратура органларининг ушбу конституциявий мақомида давлат органи сифатида унинг олдига қўйилган барча вазифалари мужассамлашган. Ҳуқуқий демократик давлатнинг энг асосий талабларидан бири бу қонуннинг устуворлиги, унга итоат этиш ва уни ҳурмат қилиш ҳисобланади. Шу билан бирга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мослигини таъминлашда давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, мансабдор шахсларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ фаолият юритишлари муҳим ҳисобланади.

Прокуратура айнан шу қоида ва талабларни, яъни мамлакатда барчани қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этишлари устидан назоратни амалга оширади. Прокуратура органларининг саъй-ҳаракатлари ва фаолияти мамлакат ҳудудида қонуннинг устувор бўлишини, қонунийликни таъминлашни ва унинг барқарор бўлишини, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (21-46-моддалар) билан кафолатланган шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Прокуратуранинг қонун устуворлигини таъминлашдаги фаолияти ҳар бир прокурорнинг ҳудудда барчанинг қонун олдидаги тенглиги ва барчага қонуннинг бир хил татбиқ этилишини таъминлашга қаратилганлигида кўринади. Бунда Конституциянинг 18-моддасида белгиланган: “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди,

шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдир”, – деган қониданинг прокуратура томонидан бажарилиши назарда тутилади¹.

Прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлашдаги фаолияти жамиятда ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг барқарорлигини таъминлашдан иборатдир. Бунда прокурор жиноятчиликка қарши курашувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш йўли билан жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этишни назарда тутди.

Юртимиздаги ҳуқуқий ислоҳотлар натижасида жамият, фуқаро, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига давлат ёндашувини жиддий такомиллаштириш ва давлат бошқарувининг жаҳон андозаларига мос янги ҳуқуқий механизмини шакллантириш йўли танланган². Бу вазифаларни бажаришда ҳуқуқни муҳофаза этувчи давлат органлари тизимида ўзига хос ўринни эгалловчи прокуратура органларининг ҳам ҳиссаси ва масъулияти алоҳида.

Ўзбекистон Республикасининг давлат механизмида прокуратура ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширувчи бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ҳамда ошқораликдек асосий принциплардан иборат фаолиятига аралашиш мумкинбўлмаган, амалда мавжуд қонунларнинг мамлакат ҳудудида бир хилда ва аниқ ижро этилишини Ўзбекистон Республикаси номидан назорат қилувчи ягона давлат – ҳуқуқ органидир. Шунга мувофиқ, прокуратура органлари ноқонуний чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида аниқлаб, уларни қонунга мослаштириш ёки бекор қилиш чораларини кўради. Шаклан ва мазмунан яхлит умумлашган бундай конституциявий мақом –

¹**Қаранг:** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган. – Тошкент.: 2015. – 76 б.

²**Қаранг:** Каримов И. А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш: 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза (2013 йил 19 январь) // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг расмий веб сайти: www.gov.uz

прокуратура ҳукуқий мақомининг асос-моҳияти бўлиб, ўзида, биринчидан, прокуратура фаолияти тўғрисидаги конституциявий нормаларни қамраб олади, иккинчидан, мазкур нормаларда ҳокимиятнинг бўлиниши ва ўзаро таъсири механизмида прокуратура органларининг ўрни, роли ҳамда вазифаларини, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси юклаган функцияларни (120-модда) бажариш ваколатларини мустаҳкамлаб қўяди.

“Прокуратура органлари фаолиятини белгиловчи ҳукуқий асослар такомиллаштирилди ва уларнинг ҳукуқий мақомига бир қатор ўзгартиришлар киритилиб, прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоялаш ваколатлари кучайтирилишига устувор аҳамият берилди. Натижада, муқаддам кўп йиллар давомида жиноий жавобгарликнинг амалга оширилишида таъқиб этувчи ёки содда қилиб айтганда, “қораловчилик” вазифаларини бажариб келган прокуратура органлари янги қабул қилинган қонунга кўра фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимоячиси сифатида эътироф этилди”¹.

Сўнгги йилларда юртимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонунийликни таъминлаш борасида жиддий ишлар амалга оширилди. Биринчи навбатда, прокуратура фаолиятини ислоҳ қилиш, уни инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган органга айлантириш бўйича салмоқли ишлар қилинди².

Масалан, 2001 йилда янги таҳрирда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ фуқаролар прокурор назорати объектлари қаторидан чиқарилди. Айни пайтда прокуратуранинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш учун масъулияти оширилди. Шунингдек, суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи прокуратура ваколатлари доирасидан чиқарилди. Туман ва

¹ **Қаранг:** Қодиров Р.Х. Инсон манфаатлари йўлида // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг расмий веб-сайти: www.gov.uz. – 2007. – 10 дек.

² Конституциявий ҳуқуқ: Х.Т.Одилқориев, Ў.Х.Мухамедов, Б.А.Саидов ва бошқ.; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т. : Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 436.

шаҳар прокурорларининг эса тергов ва айбланувчини қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш ҳуқуқлари бекор қилинди.

2001 йилда янги таҳрирда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, фуқаролар прокурор назорати объектлари қаторидан чиқарилди. Айни пайтда прокуратуранинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш учун масъулияти оширилди. Аввало, прокуратура органларининг суд ҳокимияти устидан назорат функциялари тўлиқ бекор қилинди, прокуратура ваколатларидан суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи чиқарилди.

Дастлаб қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни қарийб ўн йил фаолият юритди. Бу қонун шу давр мобайнида мамлакатда тинчлик, осойишталик, ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашда прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асоси сифатида хизмат қилди.

Шу тўғрисида 2001 йил 29 августда прокуратура органлари тўғрисидаги қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Янги таҳрирдаги бу қонун алоҳида эътиборга моликлиги боис, у уч марта ўқишдан сўнг, қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи қўшма сессиясидаги “Адолат – қонун устуворлигида” номли маърузасида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонунига ва прокуратура органларининг фаолиятини такомиллаштиришга катта эътибор қаратиб: “Прокуратура қонунни ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган органдир. У демократик жамият, ҳуқуқий давлат қуришда, ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунини пухта ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир”, – деб таъкидлаган. Қонун ҳозирги кунда ҳам прокуратура органлари олдида қўйилган вазифалар жамиятни ривож ва тараққиёти, бошқарув тизимининг демократлашуви, эркинлашуви билан боғлиқ тарзда такомиллашиб бормоқда.

Прокурор назорати – давлат фаолиятининг шу давлат номидан амалга оширилувчи алоҳида мустақил кўриниши ва прокуратуранинг асосий, етакчи функцияси. Айнан ана шу функция унинг давлат органи сифатидаги мутлак ўзига хос мақомини, ижтимоий-сиёсий аҳамиятини белгилайди. Давлат қонун устуворлиги, қонунийликнинг мустаҳкамлиги устидан назоратни айнан прокурор назорати воситасида таъминлайди. Конституция ва қонуннинг устунлигини, яъни қонун устуворлигини тўлиқ таъминлашга сафарбар прокурор назорати – шахс, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи амалий таъсирчан органдир. Прокурор давлат номидан назоратни амалга оширади.

Назорат гарчи давлат номидан амалга оширилса-да, прокуратура органлари ўз фаолиятларини, қонунда назарда тутилганидек, ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширадилар. Прокуратура органлари фаолиятига аралашишни қонун тақиқлайди. Демак, прокурор назорати давлат фаолиятининг кўриниши сифатида мустақил. Айнан ана шу мустақилликда прокурор назоратининг ўзига хос хусусияти намоён бўлади. Унинг ўзига хослиги шундаки, прокурор назорати фаолияти на қонун чиқарувчи, на ижро этувчи ва на суд ҳокимиятларига дахлдор, унинг моҳиятида ҳокимиятнинг ҳар учала тармоғига хос аломатлар мавжуд.

Бундан кўриниб турибдики, прокуратура ўз вазифалари нуқтаи назаридан ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи билан боғлиқ бўлса-да, лекин уларнинг бирортасига ҳам кирмайди. Хусусан, мустақиллик принципи бу прокурорлар томонидан ўзларининг барча функционал қарор ва ҳаракатларини қонунга асосан олиб боришларидир¹. Бунда улар текширув ва тергов материаллари ҳамда уларни олиб боришнинг тўлиқлиги, объективлиги ва ҳар томонламалигини таъминловчи восита сифатида намоён бўлади.

¹**Қаранг:** М.А.Ковалев Прокурорский надзор за обеспечением прав личности при расследовании преступлений. – М., 2001. – С. 130.

Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни белгилаган прокуратуранинг конституциявий бош мақоми — мамлакат ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширишида ифодаланган қонунда жамланган¹.

Прокурор назорати — Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг энг муҳим ва асосий фаолияти ҳисобланади. Прокурорларнинг давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахсларнинг қарор ҳамда ҳаракатлари қонунийлигини текшириш бўйича фаолияти бўлмиш прокурор назоратининг барча усул ва турларини қўллаш йўллари билан қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан огоҳлантириш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва профилактика қилиш имконини бериб, бузилган ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларни тиклаш, айбдорларни жавобгарликка тортиш, прокуратуранинг мамлакат ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратдек конституциявий мақоми амалига хизмат қилади.

Прокурор назоратини амалга ошириш жараёнида прокурор фаолият билан боғлиқ асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қонун бузилишининг моҳиятига қараб қўллайди. Янги таҳрирда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда биринчи марта прокурор ўз фаолиятида қўллайдиган ҳужжатларнинг мақоми белгиланди, яъни бу ҳужжатлар “прокурор назорати ҳужжатлари” деб номланди. Бундай ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунида протест (38-модда), қарор (39-модда), тақдимнома (40-модда), ариза (41-модда) ва огоҳлантирув (42-модда) каби тарзда қайд этилган.

¹ **Қаранг:** Х.Т.Одилқориев, Ў.Х.Мухамедов, Б.А.Саидов ва бошқ.; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. — Т. : Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. — Б. 636.

Протест – ушбу ҳужжат прокурор томонидан қонунга зид бўлган ҳуқуқий ҳужжатга нисбатан келтирилади ва протестни шу ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга келтиради. Худди шундай тартибда протест мансабдор шахснинг ноқонуний қарорига нисбатан ҳам келтирилади. Қарор –прокурор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан содир этилган қонун бузилишининг хусусиятига қараб жиноят иши, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради. Прокурор қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қарор чиқаради.

Такдимнома – прокурор қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги такдимномани қонун бузилишини бартараф этиш ваколатларига эга органга ёки мансабдор шахсга киритади. Такдимнома дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ой ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим. Ариза – прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Прокурор аризасидан давлат божи олинмайди.

Огоҳлантирув – фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ҳамда давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар тайёрланаётганлиги хусусида ишончли маълумотлар мавжуд бўлганда, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида прокурор мансабдор шахслар ва фуқароларни қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида ёзма равишда огоҳлантиради ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликни тушунтиради.

1992 йил 8 декабрдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда прокурор назорати ҳужжатлари сирасида “Амрнома” деб номланган ҳужжат ҳам мавжуд эди. Юқорида таъкидланганидек, мамлакатда ўтказилаётган кенг жабҳадаги ҳуқуқий ислоҳотларда прокурорларнинг бу тарздаги назорат ҳужжати кўллаши мақсадга мувофиқ эмас, прокурор қонун билан

белгиланган бошқа прокурор назорати хужжатларини қўллаш орқали ҳам қонун бузилишларининг олдини олиши ва уларни бартараф этиши мумкин, деб топилди. Шунга мувофиқ, қонуннинг янги таҳририда амрнома назорат хужжатлари қаторидан чиқарилди.

Фаолиятининг асосий принциплари бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралик бўлган прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган ягона марказлаштирилган тизимни ташкил этади. Прокурор назоратининг бир хиллиги, якка раҳбарлик принципи, таркиблари ўзаро алоқадорлик ҳамда ўзаро ҳамкорлик каби умумий тамойиллар асосида қурилган. Тизим институционал жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси томонидан ўрнатилган (68-75-моддалар) давлатнинг маъмурий-худудий тузилишига мувофиқ, қуйи турувчи прокурорлар юқори турувчи прокурорларга ва Бош прокурорга бўйсунishi ҳамда ҳисобдорлиги асосида ташкил қилинган бўлиб, қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни ялпи таъминлашга сафарбар этилган.

Қонунларни аниқ бажариш ва уларга риоя этишдан ҳар қандай чекиниш, қандай асосларда бўлишидан қатъи назар, қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади¹. Сабаби, прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширадilar. Прокуратура органларининг фаолиятига аралашish тақиқланади².

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг раҳбарларини лавозимига тайинлаш масалалари “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда юридик расмийлаштирилган. Жумладан, унинг 12-моддасида Бош прокуратура раҳбар лавозимлари таркиби, уларни тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тартиби (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон

¹**Қаранг:** Мустафоев Б. Конституциявий ҳуқуқ: Энциклопедик луғат. – Т., 2006. – Б. 329.

²**Қаранг:** Соломичев И. Прокурорский надзор за исполнением законов органами, осуществляющими дознание и предварительное следствие. Экспертное бюро. – М., 2008. – С. 71.

Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинладиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган биринчи ўринбосарига, ўринбосарларига эга бўлади. Бош прокуратура тизими таркиби (бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимлар), лавозимлар ва ходимлар (Бош прокурорнинг катта ёрдамчилари ва ёрдамчилари, бош бошқармалар, бошқармалар, бўлимларнинг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, катта прокурорлар, прокурорлар, алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар), уларнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимига тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш тартиби) белгиланган.

Прокуратура тизимида фаолият юритаётган Департамент органлари хусусида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек, давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ушбу Департаментнинг ваколатларига киради.

Иқтисодий ва валютага оид жиноятларга қарши курашишни кучайтиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги “Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 251-қарори жуда муҳим роль ўйнади. Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари ташкил этилган эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 2 ноябрдаги 415-сонли “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу тузилманинг олдида янги вазифалар қўйди. Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид

жиноятларга қарши курашиш Департаментига айлантирилди. Бугунги кунга келиб, мазкур муассаса Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори (2006 йил 21 апрель) асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш Департаменти деб юритилади.

Конституциянинг 120-моддасида: “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадилар. Прокурорлар ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб турадилар”, – деб кўрсатилган.

Прокуратура органларига алоҳида конституциявий ваколат берилишига сабаб, биринчидан, “прокуратура органларининг фаолиятига аралашишни тақиқлайди” (“Прокуратура тўғрисида”ги қонуни, 5-модда), иккинчидан, “прокурор қонунга риоя этиш тўғрисидаги ўз ваколатлари доирасида кўяётган талабларини бажариш барча фуқаролар ва юридик шахслар учун мажбурий”лигини (6-модда) белгилайди.

Прокуратура органлари ўз вазифаларини мустақил равишда, ташқи таъсирларсиз бажаришлари учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳамда “Прокуратура тўғрисида”ги қонунида белгиланган ваколатлар улар фаолиятининг мустақил амалга оширилишига имконият яратади.

Прокуратура органлари фаолиятининг асосий принципларидан бири ҳисобланган мустақиллик принципининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти беқиёс. Зеро, мустақиллик принципи шуни билдирадики, прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат

қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширадилар. Прокуратура органларининг фаолиятига аралашиш тақиқланади¹.

Қонунчиликда прокурорнинг фаолиятига ғайриқонуний тарзда муносабатда бўлганлик учун маъмурий ва жиноий қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган. Хусусан, “Прокурорнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ва унинг талабларини бажармаслик ва прокурорнинг ҳужжатларини кўриб чиқмаслик, уларни тўлиқ ҳажмда бажармаслик, ғайриқонуний қарор қабул қилишга эришиш мақсадида унга бирон-бир таъсир кўрсатганлик учун жавобгарлик” (МЖТКнинг 197-моддаси) ва “Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишига тўсқинлик қилиш, турли шаклда қонунга ҳилоф равишда таъсир ўтказиш” (ЖКнинг 236-моддаси) каби қоидалар мавжудлиги фикримиз исботидир.

Хулоса сифатида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизими, прокуратуранинг мамлакат ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширишнинг тўлиқ таъминлаш кафили ҳисобланади.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг асосий принциплари

Ўзбекистонда Марказий сайлов комиссияси бошчилигида давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни таъминловчи сайлов комиссияларининг яхлит мустақил тизими ташкил топган. Замонавий талабларга жавоб берадиган ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шароит, уларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ амалга оширилишининг мустаҳкам кафолатлари яратилган.

¹**Қаранг:** Соломичев И. Прокурорский надзор за исполнением законов органами, осуществляющими дознание и предварительное следствие. Экспертное бюро. – М., 2008. – С. 71.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Эркин сайлов ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш принциплари, биринчи навбатда ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқи миллий давлатчилигимиз моделининг асосини ташкил этади. Сайловлар – бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқ нормаларнинг нечоғлик демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир”¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси бевосита сайлов тизимига бағишланган. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”, “Марказий сайлов комиссияси тўғрисида” ва “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар сайлов ҳуқуқини тартибга солувчи қонунлардир.

Халқимиз ҳокимиятнинг эгаси сифатида тўрт маротаба Президентлик (1991, 2000, 2007, 2015), беш маротаба парламент (1994, 1999, 2004, 2009, 2014) сайловларида иштирок этиб, ўзининг ҳокимиятга бўлган эғалик ҳуқуқини намоён этди. Сайловлар йўли билан халқ манфаатларига хизмат қилувчи ҳуқуқий демократик давлат ҳокимияти барпо этилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 10 апрелда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг сайлов тизимига бағишланган XXIII махсус бобининг 117-моддасига қуйидаги муҳим ўзгартиришлар киритилди, унга мувофиқ:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек, Ўзбекистон

¹ **Қаранг:** Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б. 35.

Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, адолатлиликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилиши;

– Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда амалга ошириши ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги ҳамда референдум тўғрисидаги қонунларига ва бошқа қонунларига амал қилиши;

– Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонида сайланиши;

– Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси комиссия аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномаси бўйича комиссия мажлисида сайланиши конституциявий даражада белгиланди.

Сайловларни ташкил этиш ва натижаларини аниқлашда ҳолисликни таъминлаш ҳамда турли эҳтиросларга йўл қўймаслик мақсадида мустақил орган – Марказий сайлов комиссияси тузиш борасида, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги (1998 йил 30 апрель) қонун қабул қилинди ва мамлакатимиз тарихида илк бор демократик йўл билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилди¹.

Бизнинг фикримизча, Марказий сайлов комиссияси томонидан кейинги сайлов кампанияси бошланиши тўғрисидаги қарор қабул қилиш муддатини белгилаб қўйилганлиги бу муддат ичида ҳам, сайлов кампанияси даврида ҳам сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида мунтазам равишда ўз дастурлари

¹ **Қаранг:** Турғунов О. К. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – демократик сайлов қонунчилиги ва тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқи асоси // Конституция – давлат ва жамият қурилиши ислохотларининг асоси: илмий-назарий конференция материаллари. – Тошкент, ТДЮИ, 2006. – Б. 244-249.

орқали соғлом рақобат олиб боришлари учун кенг имкониятлар яратади, деб ўйлаймиз. Ўз навбатида, сайлов кампаниясини ташкил этиш ва ўтказиш оммавий характерга эга ва муҳим сиёсий тadbир бўлганлиги учун унинг юридик тартиби кўпроқ императив нормалар¹ орқали тартибга солиниши мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳолат мазкур жараёнда юзага келиш эҳтимоли бўлган зиддиятларни олдини олишга хизмат қилади. Навбатдан ташқари сайловларга нисбатан уларнинг аниқ санаси белгиланмаганлигини Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 95-моддаси 2-бандидаги қоидаларда кузатиш мумкин: “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилган тақдирда янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади”².

Сайланаётган давлат органининг турига мос равишда тегишлича қуйидаги сайлов комиссияларининг тизими мавжуд:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва уни ўтказиш қуйидаги сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилади: Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси; Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари; Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари³.

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар қуйидаги сайлов комиссиялари томонидан ташкил этилади ва ўтказилади: биринчиси, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси; иккинчиси, округ сайлов комиссиялари; учинчиси, участка сайлов комиссиялари⁴.

¹ **Қаранг:** Арановский К.В. Государственное право зарубежных стран. – М.: Инфра-М, 1998. – 488 с.; Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации. – М.: Инфра-М, 2007. – 784 с.; Конституционное право зарубежных стран. / Под общ. ред. М.В.Баглая, Ю.И.Лейбо и Л.М.Энтина. – М.: Норма, 2008. – 1056 с.; Duverger M. Le systeme politique francais: Droit constitutionnel et systemes polit. – P.: PUF, 1985. – 611 p.

² **Қаранг:** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 74 б.

³ Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1992. – № 1. – 34-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуни янги таҳрири // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2003. – № 9–10. – 132-модда.

Марказий сайлов комиссиясининг ташкил этилиши ва фаолияти 1998 йил 30 апрелдаги “�збекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги алоҳида қонун билан тартибга солинган¹. Сайлов комиссияларининг, шу жумладан Марказий сайлов комиссиясининг ҳам ҳуқуқий мақомини белгилашда, авваламбор, уларни таъсис этиш мақсадидан келиб чиқиб, уларнинг давлат органлари тизимида тутган ўрнини аниқлаб олиш лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда сайлов комиссияларининг ташкил этилиши ва фаолиятининг асосий принциплари ва тартибини ўрганиш мантиқан тўғри бўлади.

Конституциянинг 11-моддасига биноан “�збекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципага асосланади”². Мазкур конституциявий принцип сайлов жараёнини ташкиллаштириш билан бевосита боғлиқ бўлган иккита энг муҳим ва асосий талабни, яъни сайлов жараёнини ташкиллаштиришга масъул комиссиялари ўз фаолиятини давлат ҳокимиятининг ижро ва суд тармоқларидан мустақил равишда амалга ошириб, фуқароларнинг сайлов билан боғлиқ бўлган манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш улар билан рақобатлашмайди. Шу билан бирга, сайлов комиссияларини тузишдан мақсад фақат сайловни ташкил этиш ва ўтказиш билан чегараланмаган, сабаби ҳар қандай сайлов тизими етарлича мукамал бўлмаслиги табиий ва унда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг таъминланмай қолиш эҳтимоли доимо сақланиб туради.

Россиялик олим М.В.Баглайнинг “сайлов комиссиялари фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг амалга ошишини ва ҳимоясини таъминлайдилар”³ тарзидаги фикрларини келтириб ўтиш лозим, деб ўйлаймиз. Шундай экан, бизнинг фикримизча авваламбор, сайлов комиссиялари фаолиятининг асосий принциплари мазмун-моҳиятини аниқлаб олиш лозим. Жумладан,

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2004. – № 9. – 171-модда.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 74 б.

³ **Қаранг:** Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации. – М.: НОРМА, 2000. – Б. 364.

мамлакатимизда сайлов комиссиялари фаолиятларининг асосий принциплари “Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасида белгилаб қўйилган¹. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, мустақиллик, адолатлиликданиборат.

Ҳуқуқшунос олим О.К.Турғуновнинг таҳлилларига кўра, сайлов жараёнининг барча босқичларидаги ҳаракатларни аниқ амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Марказий сайлов комиссияси: биринчидан, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддаси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 6, 11, 23, 55-моддаларига² мувофиқ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловини ўтказиш билан боғлиқ Марказий сайлов комиссиясининг низом ва йўриқномалари тўғрисида”ги³ ва иккинчидан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 11-моддасига асосан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловига доир ҳужжатларнинг намуна ва шакллари тўғрисида”ги⁴ қарорларни қабул қилган⁵. Масалан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловида овоз бериш натижалари тўғрисидаги участка ва округ сайлов комиссиялари баённомаларини юқори турувчи сайлов

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. – № 5–6. – 95-модда.

² **Қаранг:** Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов буйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ахборотномаси. – 2004. – № 2 (8).

³ **Қаранг:** Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловини ўтказиш билан боғлиқ марказий сайлов комиссиясининг низом ва йўриқномалари тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ахборотномаси. – 2004. – № 2(8).

⁴ **Қаранг:** Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловига доир ҳужжатларнинг намуна ва шакллари тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ахборотномаси. – 2004. – № 2(8).

⁵ **Қаранг:** Турғунов О.К. Ўзбекистон Республикасида сайлов жараёнининг ташкилий-ҳуқуқий масалалари. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати, Тошкент. – 2009. – Б. 43.

комиссияларига етказиш тартиби ҳақида”ги¹ қарорни шундай қарорлар қаторига киритиш мумкин.

Ўзбекистонда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ҳозирги даврнинг ислохотларида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш масаласи мазкур соҳани такомиллаштиришга тааллуқлидир. Айрим олимлар Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятида сиёсий партиялар вакилларининг иштирок этишини таъминлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Лекин бу ерда, мазкур масаланинг нозик томони ҳам мавжуд. У шундаки, комиссия сиёсий органга айланиб кетмаслиги, унинг аъзолари сиёсий гуруҳларга бўлиниб ўз манфаатлари сари комиссия фаолиятини йўналтиришга ҳаракат қилиши каби бошқа салбий ҳолатларга олиб келмаслиги керак, балки аксинча, комиссиянинг ишида авваламбор қонун устуворлиги, ҳолислик ва адолат мезонларини ўзида акс эттиришга хизмат қилиши лозим. Бунда, бордию комиссияга сиёсий партияларнинг вакиллари тўлақонли ҳал қилувчи овоз билан аъзо бўлиб қирадиган бўлса, унда комиссия ўта сиёсийлашиб кетиши мумкин.

Демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳар қандай мамлакатда ҳам сайловларнинг роли муҳимдир. Лекин жаҳон давлатчилиқ ривожини тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, сайловлардан тўғри фойдаланиш, уларни демократик асосда ташкил этиш, умуммиллий манфаатни юқори қўйиш туфайлигина сайловлар ижобий натижалар бериши мумкин. Аксинча унга нотўғри ёндошиш эса жамиятда қарама-қаршилиқларнинг кучайишига, жамиятни бўлиниб кетишига олиб келади.

Сайлов қонунчилигида сайлов жараёни субъектлари (иштирокчилари) доирасининг белгиланиши, уларнинг сайловлардаги ролини аниқлашга хизмат қилишини инобатга олиб, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов

¹ **Қаранг:** Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловида овоз бериш натижалари тўғрисидаги участка ва округ сайлов комиссиялари баённомаларини юқори турувчи сайлов комиссияларига етказиш тартиби ҳақида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ахборотномаси. – 2014. – № 1-2(11-12).

тўғрисида”ги ва “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунларда сайлов жараёни иштирокчиларининг доираси тўғрисида махсус модда киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Фикримизча, бу сайлов жараёни субъектларининг тизими, уларнинг иерархияси, ваколатлари доираси ва иштироки чегараларини аниқ белгилашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, сайлов жараёни сайлов ҳуқуқи билан тартибга солинган ва у конституциявий ҳуқуқга унинг институтларидан бири сифатида кирганлиги муносабати билан назоратнинг асосий вазифаси сифатида, авваламбор, сайловда иштирок этувчи давлат органларига нисбатан қаратилган бўлиши лозим.

Сайлов жараёнидаги назорат функцияси асосан бу жараённи бошқариб борадиган махсус давлат органларининг ташкил этилиши ва фаолиятига нисбатан қаратилган. Сайлов комиссиялари давлат органлари ҳисобланадилар. Демак, назорат биринчи навбатда сайлов комиссияларига шу билан бирга сайлов жараёнининг бошқа иштирокчиларига қаратилган бўлиши керак.

Бу ерда, сайлов комиссиялари алоҳида махсус давлат органлари тизимини ташкил этгани учун Президент И.А.Каримовнинг қуйидаги фикри уларга нисбатан ҳам бевосита тааллуқли: “... ҳар қандай давлат тизими, унинг аппарати ва маъмурий органлари демократик андозаларга қанчалик жавоб бермасин – барибир ўз кучини, қолаверса, ўз зўравонлигини ўтказишга ҳаракат қиладиган тизим бўлиб қолаверади.

Шунинг учун ҳам давлат идоралари, аввало, унинг маъмурий органлари ва ташкилотлари устидан жамият ҳамда фуқаролар назоратини ўрнатиш бутун дунёда қонунбузарликка, берилган ваколат ва вазифасини суиистеъмол қилишга, коррупцияга қарши, айни вақтда, барча ўзбошимчалик ва волюнтаристик қарорларни қабул қилишнинг олдини олишга қаратилган

чора-тадбирлар, деб тан олинади”¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасида кўра: “Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади”. Референдум фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини умумий, тенг ва тўғридан-тўғри билдириши асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Фуқаронинг жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ўз эркини ифодалаши инобатга олинадиган бўлса, референдум сайловдан ҳам устунроқ аҳамият касб этади. Яъни у жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг олий шакли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари референдумда тенг асосларда, ихтиёрий ва эркин равишда иштирок этадилар. Ҳар бир фуқаро бир овозга эга бўлади. Референдумни ташкил этиш ва ўтказиш қуйидаги комиссиялар томонидан амалга оширилади:– Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси;– референдум ўтказувчи округ комиссиялари;– референдум ўтказувчи участка комиссиялари.

Референдум ўтказиш билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимият вакиллик органларига сайловлар ўтказиладиган бўлса, референдумни ўтказиш тегишли сайлов комиссиялари зиммасига юкланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўз ваколатларини “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонунларга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Демак, фуқароларимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида белгиланган жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита

¹Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 325-326.

иштирок этиш ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда, мамлакатимизда ўтказиладиган ҳар қандай референдумда бевосита иштирок этиб, ўз хоҳиш-иродаларини ифода эта олишларида алоҳида мақомга эга давлат органи сифатида Марказий сайлов комиссиясининг ўрни ва аҳамияти каттадир.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ҳисоб палатаси ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳуқуқий мақоми ва уларнинг бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш масалалари

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонунининг 11-моддасида Ўзбекистон Республикаси ўз пул бирлиги – миллий валютасини жорий этишга, жами пул обороти, пул ва бошқа давлат қимматли қоғозлари эмиссияси ҳажмларини мустақил белгилашга ҳақли эканлиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Шу боис амалдаги миллий валютамининг жорий этилиши ва муомалага киритилиши республикамининг мустақилликка эришиши ва унинг мустаҳкамланиши билан узвий боғлиқдир. Чунки, давлат мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, жумладан унинг молиявий жиҳатдан мустақиллигини таъминлаш кун тартибидаги кечиктириб бўлмас вазифалардан биридир.

Конституциянинг 122-моддасида Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул-кредит тизимига эга эканлиги белгилаб қўйилган бўлиб, бу бевосита унинг молиявий жиҳатдан мустақиллиги ва суверенлигини англатади. Шу боис, республикамининг молия ва пул-кредит тизими бозор муносабатларига мувофиқ тарзда қайтадан ташкил этилди ва республиканинг янги миллий пул-кредит сиёсати йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 124-моддасига кўра, “Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини республика Марказий банки бошқаради”.

Фанда пул-кредит сиёсати деганда пул муомаласи ва кредит соҳасида амалга ошириладиган ва иқтисодий ўсишни тартибга солиш, инфляцияни жиловлаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва тўлов балансини тенглаштиришга қаратилган тадбирлар мажмуаси тушунилиб, у давлатнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнига аралашувида энг муҳим усуллардан бири бўлиб хизмат қилади¹.

Пул-кредит сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири валюта операцияларини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасига кўра, валюта бойликларига бўлган мулк ҳуқуқининг ва бошқа ҳуқуқларнинг ўзга шахсга ўтиши ҳамда валюта бойликларини тўлов воситаси сифатида ишлатиш билан боғлиқ операциялар, валюта бойликларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва жўнатиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш ва жўнатиш, халқаро пул жўнатмаларини амалга ошириш, резидентлар ва норезидентлар ўртасида миллий валютадаги операциялар валюта операциялари ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солувчи давлат органи сифатида давлатнинг валютани тартибга солиш сиёсатини амалга оширади. Марказий банк келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси монетар сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқади ва ҳар йили кейинги молия йили бошланишидан камида ўттиз кун олдин Олий Мажлис Сенатига бу ҳақда ахборот беради.

Ўзбекистон Республикасида пул тизими – бу республикада пул муомаласини ташкил этиш шакл ва усулларини ҳуқуқий тартибга солиш, демакдир. Давлатнинг хўжалик-ташкилий функцияси – пул муомаласини ҳуқуқий тартибга солиш орқали ҳам амалга оширилади. Давлат пул ёрдамида мамлакатнинг иқтисодиётига таъсир кўрсатади, яъни пул ёрдамида меҳнат ва истеъмол ҳисобга олинади, улар назорат қилинади; иқтисод режими ва

¹ **Қаранг:** Юридик энциклопедия / Проф.У.Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т., 2001. – Б. 375

хўжалик ҳисоботи мустаҳкамланади. Умуман олганда, давлат пулдан иқтисодни ташкил этиш мақсадида фойдаланади.

Давлат олдида турган энг муҳим вазифалардан бири сифатида замон талабларига тўла жавоб берадиган ва бозор иқтисодиёти шароитларида хўжалик юритувчи субъектларга ҳамда жисмоний шахсларга хизмат кўрсата оладиган янги замонавий банк тизимини ташкил этиш юзага келди. Ўзбекистон Республикаси молия тизимининг етакчи бўғинларидан бири ҳисобланган кредит тизимини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг асосий йўналиши сифатида белгилаб олинди. Жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган банк тизимини ташкил этиш молия-кредит соҳасидаги устувор вазифалардан бирига айланди.

Президент Ислон Каримов Марказий банк томонидан бошқариладиган ва ўз ичига мустақил ва хусусий банкларни киритадиган банк тизимини шакллантиришни, мамлакатимиз ҳудудида чет давлатлар йирик банкларининг бўлимлари ва ваколатхоналари очилиши учун қулай шароитларни яратиб беришни бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим масалаларидан бири сифатида белгилаб берди.

Мамлакатимиз банк тизимида амалга оширилган ислохотларни шартли равишда қуйидаги икки босқичга ажратиш мумкин:

Биринчи босқичда замонавий банк тизимининг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди. Банк тизимида институционал ўзгаришлар олиб борилди. Банк назорати ташкил қилинди ва янги ташкил этилган банклар моддий-техник жиҳатдан тўлиқ таъминланди. Мазкур ислохотларни амалга оширишда 1991 йил 15 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни муҳим роль ўйнади. Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига банк соҳасида тегишли бўлган қоидаларни ўрнатиш ва банк соҳасида Марказий банкни ижро ҳокимияти органларидан тўлиқ мустақил бўлишини таъминлаб берди.

1994 йил 1 июлда Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўм муомалага киритилди ва бу банк соҳасидаги ислохотлар учун катта амалий аҳамиятга эга бўлди. Миллий валютанинг муомалага киритилиши Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан кўпгина тадбирларнинг амалга оширилишини тақозо этди.

Ўзбекистон Республикасида 1995 йилга келиб икки поғонали банк тизими шаклланди. Банк тизимининг биринчи поғонасини Марказий банк эгаллаб, унга банк тизимида раҳбарлик қилиш, банк хизматлари соҳасидаги қоидаларни белгилаш, тижорат банклари назорат қилиш каби асосий ваколатлар берилди. Банк тизимининг иккинчи поғонасини турли даражадаги тижорат банклари эгаллади.

1995–1996 йилларда бошланган банк ислохотларнинг иккинчи босқичида асосий эътибор ислохотларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қаратилди. Банк соҳасидаги ислохотларнинг иккинчи босқичида Марказий банк ва банк фаолиятини ҳуқуқий тартибга соладиган “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”¹ ва янги таҳрирдаги “Банклари ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунлар банк фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича жаҳоннинг ривожланган давлатларининг тажрибалари асосида ишлаб чиқилган.

Банк ислохотларининг иккинчи босқичида асосий эътибор банк соҳасидаги хизматлар сифатини халқаро стандартлар даражасида ошириш, дунё тўлов муносабатларига интеграция қилишга имконият яратиш берадиган тўлов тизимида ўтиш, банк соҳасига чет эл инвестицияларини жалб этишга қаратилди. Амалга оширилган мазкур ислохотлар ҳозирги вақтда ўзининг натижаларини бермоқда.

Ташқи иқтисодий алоқалар ривожланиши муносабати билан бутун жаҳон иқтисодий тизимида ҳар томонлама интеграциялашув валюта ва халқаро ҳисоб-китоб операцияларининг ўсишига олиб келди. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Валютани тартибга солиш

¹Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда.

тўғрисида” (янги таҳрирда) ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта муносабатларини тартибга солувчи ва валюта назоратини амалга оширувчи асосий орган ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларига биноан Марказий банк юридик шахс ҳисобланади ва у давлатнинг мутлақ мулкидир. Марказий банк – ўз сарф-харажатларини ўзининг даромадлари ҳисобидан амалга оширувчи, иқтисодий жиҳатдан мустақил муассасадир. Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат¹.

Марказий банкнинг асосий вазифалари: монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш; Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш; банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар фаолиятини лицензиялаш ҳамда тартибга солиш, банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналарни назорат қилиш, қимматли қоғозлар бланклари ишлаб чиқаришни лицензиялаш; Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта захираларини, келишувга биноан ҳукумат захираларини қўшган ҳолда, сақлаш ва тасарруф этиш; давлат бюджетининг касса ижросини Молия вазирлиги билан биргаликда ташкил этишдан иборатдир.

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ҳисобдордир. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунига биноан банк – тижорат ташкилоти бўлиб, юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш, қабул қилинган маблағлардан кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш, тўловларни амалга ошириш фаолиятни амалга оширадиган юридик шахсдир.

Банк, шу жумладан, чет эл банки, республикада ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан бериладиган

¹Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда.

лицензия асосида амалга оширади. Лицензияда банк бажарадиган операциялар рўйхати кўрсатилади.

Марказий банкнинг олий органи унинг Бошқарувидир. Бошқарув Марказий банк сиёсати ва фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради, банкни бошқаради. Бошқарув ўн бир кишидан иборат бўлади. Бошқарув таркибига Марказий банк Раиси, унинг ўринбосарлари, шунингдек банкнинг асосий бўлинмалари раҳбарлари киради. Марказий банк Раиси Бошқарувнинг Раиси ҳисобланади¹. Бошқарув аъзоларини (биринчи ўринбосар ва ўринбосарлар бундан мустасно) Марказий банк Раисининг тақдимномасига биноан Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши тасдиқлайди. Бошқарувнинг тўхтами қарор шаклида қабул қилинади.

Марказий банк Раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Марказий банк Раисининг тақдимномасига биноан Президент томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимидан озод қилинадилар.

Конституциямизнинг 78-моддасида белгиланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг парламент назоратини амалга ошириш соҳасидаги ваколатлари қаторига Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқишни киритиш мумкин.

Ҳисоб палатасининг фаолияти мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларининг ижросида муҳим ўрин тутди. Ҳисоб палатаси бюджет маблағларини самарали ва мақсадли сарфланиши устидан тизимли мониторинг ўрнатиб, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартириш, унинг барқарор ўсиш суратларини ва рақобатбўрдошлигини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш каби муҳим масалаларни ечишга ўз хиссасини қўшади.

Парламент архив материалларида Ҳисоб палатаси 2015 йилда ўз фаолиятини мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий

¹Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда.

дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган 2015 йилнинг январ ойида бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан белгилаб берилган энг муҳим устувор йўналишлар ва вазифаларни инобатга олган ҳолда ташкил этилганлиги эътироф этилган¹.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига мувофиқ, Давлат бюджетининг 2014 йилги ижроси тўғрисидаги ҳисобот ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказилган, 2016 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Давлат бюджети лойиҳасининг экспертизаси амалга оширилган. Ҳисоб палатаси томонидан Давлат бюджетининг республика ва ҳудудлар даражасида шакллантирилиши ва ижро этилиши устидан назорат ташкил этилган, шунингдек бюджет маблағларининг қонун доирасида мақсадли йўналтирилиши ва самарали сарфланиши устидан текширишлар олиб борилган.

Давлат бюджетининг даромадлар қисмини тўғри шаклланиши, шунингдек бюджетни ҳудудлар ва тармоқлар кесимида доимий ва самарали сарфланиши таҳлил қилиниб, асосий даромад манбаларининг прогноз кўрсаткичларининг ҳаққонийлигига баҳо берилган. Ундан ташқари, ҳисобот даврида Давлат бюджетида жамланган, бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағларини тўлиқ шаклланиши, самарали ва мақсадли сарфланиши устидан узлуксиз назорат ўрнатилган ва кўплаб бошқа муҳим йўналишларда ишлар олиб борилган.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги давлат экологик функцияси мазмунининг бир қисмини ташкил этади ва табиатни муҳофаза қилиш борасидаги ҳуқуқ ижодкорлигининг натижаси ҳисобланади. Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги бошқариш тизимининг элементи, ўзига хос қуроли сифатида ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ҳолатига боғлиқ ҳолда, бошқариш объектларининг ҳаракатларидан келиб чиқиб, аниқ ва бевосита мақсадларга эришиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси жорий архиви.

хусусиятларини инобатга олиб, ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг хулқ-атворига таъсир кўрсатиш чораларини вужудга келтиради.

Ана шу боис бўлса керак, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелдаги 232-I-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисида Низом”га мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат назорати ҳамда тармоқлараро бошқарувни амалга оширувчи, идоралардан устун турувчи ва мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органдир.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига бўйсунди ва унга ҳисобдордир. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўз фаолиятида Конституция, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Президент фармон, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ўз Низомига амал қилади¹.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари, туманлараро, туман ва шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари (инспекциялари), шунингдек уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ягона тизимни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорларни республиканинг барча вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар ижро этишлари шарт. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг қарорлари зарур ҳолларда

¹Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон.

бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари билан биргаликда ёки улар билан келишилган ҳолда қабул қилинади.

Давлат қўмитаси табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида давлат назорати ва тармоқлараро бошқарувни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро келишган ҳолда амалга оширади. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўз ваколатлари доирасида бошқа давлатларнинг тегишли табиатни муҳофаза қилиш органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан фойдаланиш борасидаги фаолиятларида улар бажаришлари лозим бўлган ишларни ўз зиммасига олмайди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қарғини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг давлат экологик назорати борасидаги фаолиятини, шунингдек бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси жамоат бирлашмалари ва аҳоли билан ҳамкорликда иш юритади, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятларида уларга услубий ёрдам кўрсатади ва кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: атроф табиат муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш устидан давлат назоратини амалга ошириш; табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини тармоқлараро комплекс бошқариш; табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш борасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; атроф-муҳитнинг экологик ҳолати қулай бўлишини таъминлаш, экологик вазиятни соғломлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Олий Мажлис Сенати тайинлайдиган ва вазифасидан озод қиладиган Раис бошчилик қилади. Давлат кўмитаси Раисининг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президенти девони билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси Раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кўмиталарининг раислари ва уларнинг ўринбосарлари ўзлари мутасадди бўлган йўналишлар бўйича тегишинча Ўзбекистон Республикасининг, Қорақалпоғистон Республикасининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг табиатни муҳофаза қилиш бош давлат инспекторларидир.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси Раиси (хайъат раиси), унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг раиси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат

кўмитаси фаолияти асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи унинг тузилмавий бўлинмалари раҳбарларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади.

Ҳайъат мажлислари, қоида тариқасида, ҳар ойда камида бир марта ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ҳузурида мувофиқлаштириш кенгаши, илмий-техника кенгаши, жамоатчилик кенгаши ва бошқа кенгашлар тузилиши мумкин.

Юқоридалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, биринчидан, экологик назорат давлат бошқарувининг табиатдан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги функцияларидан биридир; иккинчидан, экологик назорат атроф табиий муҳит сифатини бошқариш механизмининг таркибий қисми, экологик кўрсатмалар ва табиатни муҳофаза қилиш борасидаги тадбирлар бажарилиши самарадорлигининг кафолатидир; учинчидан, экологик назорат табиатдан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш борасида давлат бошқарувининг қонунийлигини таъминлаш усулидир. Ҳуқуқшунос олим А.К.Голиченковнинг экологик назоратни турли жиҳатлардан, турли даражаларда кўриб чиқиш зарурлиги тўғрисидаги фикрларига қўшиламиз¹.

Шундай экан, давлатнинг бошқариш функцияси сифатидаги назорат йўналишлари бир қатор махсус ўзига хосликларга эгаки, шулар орқали у бошқа функциялардан фарқ қилади. Булар қуйидагилардир: биринчидан, давлат органлари томонидан назоратни амалга оширилиши борасидаги муносабатларни “ҳокимият муносабатлари” деб аташ мумкин, зеро назоратга ҳокимият ваколатларини амалга ошириш хосдир; иккинчидан, ресурсларга бўлган давлат мулкчилиги ҳуқуқи давлат органлари томонидан давлат назоратини амалга оширилишининг моддий кафолатидир; учинчидан, давлат аралашувининг юридик чегаралари юзага келган моддий шарт-шароитларга биноан аниқланади.

¹ **Қаранг:** Голиченков А. К. Экологический контроль: теория практика правового регулирования. – М., 2012. – С. 73.

Таҳлил этилган қонунлар ва қонун ости норматив ҳужжатлари шундан далолат берадики, давлатнинг иқтисодий, молиявий, экологик функциялари қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширилади: биринчидан, соҳа қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва қабул қилиш; иккинчидан, қабул қилинган қонунларнинг самарали бажарилишини назорат қилиш.

Конституциявий тузумнинг иқтисодий асосларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўз ваколатлари доирасида иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш, давлат ва жамият ҳамда фуқароларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан махсус функцияларни амалга оширади ва шу орқали умумий тарзда конституциявий тузумнинг иқтисодий асослари ҳимоя қилинишини таъминлайдилар.

Жумладан, конституциявий тузумнинг иқтисодий асосларини ҳимоя қилишда прокуратура органлари муҳим ўрин тутди ва бу борада кенг кўламли вазифаларни бажаради. Прокуратура органларининг асосий фаолият йўналишларидан бири солиқ интизомини мустаҳкамлаш, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳисобланади.

Прокуратура органлари тизимида иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши кураш бўйича махсус ваколатларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти ва жойларда унинг ҳудудий бошқармалари ва бўлинмалари фаолияти йўлга қўйилган. У Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мустақил ихтисослаштирилган ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи бўлиб, солиқ, валютага оид жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишларига ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасида тезкор-таҳлилий, қидирув ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш, шунингдек, содир

этилган қонун бузилишлари оқибатида етказилган иқтисодий зарарни ундириб олиш вазифаларини амалга оширади.

Иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш Бош бошқармаси ҳамда Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида порахўрликка, ўғирликлар ва бошқа суиистеъмолликларга қарши кураш бошқармаси ва уларнинг жойларда ҳудудий бўлимлари ҳам фаолият юритади.

III боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, алоҳида мақомга эга давлат органларининг назорат соҳасидаги давлат функцияларини амалга оширишлари қуйидаги принципларга асосланган:

1) бошқарувнинг қонунийликка асосланиши, яъни давлат бошқарув органларининг ушбу муносабатларни тартибга солишда фақат қонун ҳужжатларида белгиланган ваколат доирасида ҳамда ҳуқуқлар асосида фаолият юритиши;

2) тармоқ ва ҳудудий бошқарувни мувофиқлаштиришга, яъни ўзаро муносабатларни тартибга солишда давлат органларининг фаолияти ҳам ҳудуднинг ривожланишини, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг таъминланиши;

3) муаммо ва масалаларини ҳал қилишда ҳар томонлама ёндашиш, яъни республика халқ хўжалиги ва аҳолининг эҳтиёжларини қондиришни таъминлаш;

4) давлат бошқарувини ташкил этишда ресурслардан фойдаланиш ва назорат қилишни ажратилгани, яъни ресурслардан бевосита фойдаланувчилар назорат қилиш ваколатига эга бўлмаслигида, давлат бошқаруви органларини шакллантириш ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил қилишда фойдаланиш ва назорат қилиш ваколатларини тартибга солиш.

Ҳуқуқшунос олим В.В.Петровнинг таъкидлашича, бу йўналишда давлат органлари ўз функцияларини тўрт хил, яъни муҳофаза-ҳамкорлик,

муҳофаза-назорат, муҳофаза-шартномавий ва регулятив¹ кўринишда амалга оширадилар деган фикрига қўшиламиз.

Давлат функциялари – давлатнинг моҳияти ва ижтимоий йўналишини, мақсад ва вазифаларини ифода этувчи, ўзига хос усул ва шакллар билан жамиятни бошқарув фаолиятининг асосий йўналишларидир. Бу функциялар ҳозирги замон талабларига мос келади.

¹*Қаранг:* Петров В. В. Экологическое право России. – М., 1995. – Б. 377.

ХУЛОСА

Юқорида ўтказилган илмий изланишимиз натижасида демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги вазифаларнинг ечими давлат органларини ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқ ва вазифаларини ҳамда ўзаро муносабатларини қандай белгиланиши билан бевосита боғлиқлиги аниқланиб, давлат ҳокимияти тизимида алоҳида мақомга эга бўлган республика органлари ташкил этилиши ва фаолиятининг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш миллий давлатчилигимизга илмий баҳо бериш ва шу орқали алоҳида мақомга эга бўлган органларни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатидан такомиллаштиришга доир қуйидаги таъриф, хулоса, таклиф ва мулоҳазаларимиз юзага келди:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Мазкур конституциявий-ҳуқуқий нормалар инсон ҳуқуқларининг таъминланишига, қонунийликка риоя этилишига, давлат органларининг қонунларни, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ижро этиш фаолияти устидан жамоат ҳамда парламент назоратини таъминлаш бўйича самарали тизим яратилишига салмоқли пойдевор яратди. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти субъектлари ўртасида ваколатларни тўғри тақсимлаш масаласи босқичма-босқич ҳал этилди. Бу борада ҳокимиятлар бўлиниши тамойили, ҳеч шубҳасиз, концептуал йўналиш бўлиб, айтилган вақтда ҳокимиятни ташкил этиш ва унинг муайян ривожланиш босқичидаги фаолият кўрсатиши бўйича қулай моделни танлаш замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди.

Иккинчидан, ҳокимиятлар тақсимланиши ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг демократлаштирилганлик даражасини кўрсатувчи мезондир. Ҳокимиятлар тақсимланиши ва давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилиши ва бири-бирини назорат қилиши нуқтаи назаридан, улар ўртасидаги низоли

вазиятларни ечиш ва фуқароларнинг манфаатини ҳимоя қилиш жиҳатдан энг самарали юридик восита бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон мустақиллик йилларида умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-буйруқбозлик, режали-таксимот тизимидан воз кечиб, “ўзбек модели” деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди. Барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очик демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари амалда олий қадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасидаги юксак мақсадга қаратилган узоқ ва мураккаб йўлдир.

Учинчидан, алоҳида мақомга эга давлат органлари зиммасига ўта муҳим ижтимоий вазифалар юклатилган. Ўзбекистон Республикасида демократик тарзда давлат органларини шакллантириш, молиявий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ва назорат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, қонунийликни таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқалар. Ушбу давлат ҳокимияти органларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги шунда намоён бўладики, давлат бошқарув функцияларининг тақсимотига мувофиқ ҳар бир давлат органи ўз ваколатларини мустақил ва фақат қонун асосида амалга оширади. Бу борада улар мамлакатдаги бошқа ҳокимият институтларидан ҳамда хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар таъсиридан холи фаолият юритади. Айни вақтда, Ўзбекистонда давлат органлари тизимини, улар ўртасидаги алоқалар табиатини, ўзбошимчаликни чеклаш ва инсон эркинлигини таъминлаш мақсадида идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда бир бирини “тийиб” туриш муносабатларини ўрнатилган. Бу ўринда ҳокимиятлар мустақиллиги ва уларни амалга оширувчи органларнинг мустақиллиги, бир-бирининг фаолиятига аралашмаслиги ўта муҳимдир.

Тўртинчидан, 2. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги 613–I-сонли Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

таклиф қилинмоқда, яъни мазкур қонуннинг 3 моддаси 2, 4 қисмларини куйидаги мазмунда баён этиш:

(Иккинчи қисм) Марказий сайлов комиссияси аъзолигига Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан камида беш нафардан номзод тақдим қилинади. Тақдим қилинган номзодлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сайланади.

(Тўртинчи қисм) Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари ва комиссия котиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тақдимномаси бўйича комиссия мажлисида сайланадилар.

Бешинчидан, ҳозирги даврда оммавий ҳуқуқ фанлари олдида мазкур муаммоларини тадқиқ этишни янада юксакроқ даражага кўтариш талаб этилади. Чунки давлат қурилишининг дастлабки шаклланиш босқичида умумий ёндашувлар ва методологик асосни ишлаб чиқиш зарур бўлган бўлса, эндиликда конституциявий ҳуқуқнинг алоҳида институтларини, айниқса алоҳида мақомга эга давлат органларини чуқурроқ ўрганиш, унинг бошқа давлат органлари билан ҳамкорлиги чорраҳаларида юзага келадиган муаммоларни, шунингдек давлат ва ҳуқуқ назарияси, конституциявий ҳуқуқ, маъмурий, сиёсатшунослик, фалсафа, социология ва бошқа фанлар билан ўзаро муносабатларини тадқиқ этиш вазифалари турибди. Конституцияга киритилган ўзгартишлар, парламент ва давлат ҳокимиятининг юқори органлари ўртасидаги барча муносабатлар тизимидаги ислохотлар уларни илмий таъминлаш бўйича ҳуқуқшунос олимларнинг асосли тавсиялари ва ишланмалари, ташаббусли қонун лойиҳалари ишлаб чиқишни, хориж тажрибасини пухта таҳлил қилиш ва умумлаштиришни тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб Конституциямизнинг 117-моддасини қайтадан кўриб чиқиш таклиф қилинмоқда.

Олтинчидан, прокуратура органлари зиммасига фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилиши ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида бошқарув ва

контроль органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлигини назорат қилиб бориши функциясининг юклатилиши, қонунга кўра, прокурорлар суд қарорлари ижросини тўхтатиш ҳуқуқига эга эмаслиги жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу нормалар мамлакатимизда амалда судларнинг мустақиллигини таъминлаб, суд ва прокуратура ваколатлари ўртасидаги тегишли мувозанатни ўрнатишга хизмат қилмоқда. Бош прокурор раҳбарлик қиладиган прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизими, прокуратуранинг мамлакат ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширишнинг тўлиқ таъминлаш кафили ҳисобланади. Шу билан бирга, прокуратура тўғрисидаги қонуннинг 18-моддасини тўлдириш таклиф қилинмоқда:

18-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти (бундан буён матнда Департамент деб юритилади) ташкил этилади. Департаментга лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосарига тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Департамент бошлиғи раҳбарлик қилади.

Еттинчидан, ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, экология соҳасида давлат функциясини амалга оширадиган ижроия органларнинг доираси кенгдир. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, экология соҳасида давлат функциясини амалга оширадиган органлар умумий ва махсус ваколатга эга бўлган давлат органларига бўлиш мумкин. Хусусан, махсус ваколатли органлар ичида марказий ўринни Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси эгаллайди.

Фикримизча, шу сабабдан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг ўта муҳимлигини, экологик хавфсизлик муаммолари энг муҳим муаммолардан бири эканлигини, бунда давлат фаолияти алоҳида аҳамият касб этишини эътиборга олиб, бу соҳани давлат қўмитаси билан эмас, балки юқори ҳуқуқий мақомга эга бўлган вазирлик билан бошқариш, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасини Экология вазирлигига айлантириш ва унинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи низомни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Саккизинчидан, Марказий сайлов комиссияси томонидан кейинги сайлов кампанияси бошланиши тўғрисидаги қарор қабул қилиш муддатини белгилаб қўйилганлиги бу муддат ичида ҳам, сайлов кампанияси даврида ҳам сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида мунтазам равишда ўз дастурлари орқали соғлом рақобат олиб боришлари учун кенг имкониятлар яратади, деб ўйлаймиз. Навбатдан ташқари сайловларга нисбатан уларнинг аниқ санаси белгиланмаганлигини Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 95-моддаси 2-бандидаги қоидаларда кузатиш мумкин: “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилган тақдирда янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади”.

Тўққизинчидан, алоҳида мақомга эга давлат органларининг назорат соҳасидаги давлат функцияларини амалга оширишлари қуйидаги принципларга асосланган:

1) бошқарувнинг қонунийликка асосланиши, яъни давлат бошқарув органларининг ушбу муносабатларни тартибга солишда фақат қонун ҳужжатларида белгиланган ваколат доирасида ҳамда ҳуқуқлар асосида фаолият юритиши;

2) тармоқ ва ҳудудий бошқарувни мувофиқлаштиришга, яъни ўзаро муносабатларни тартибга солишда давлат органларининг фаолияти ҳам ҳудуднинг ривожланишини, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг таъминланиши;

3) муаммо ва масалаларини ҳал қилишда ҳар томонлама ёндашиш, яъни республика халқ хўжалиги ва аҳолининг эҳтиёжларини қондиришни таъминлаш;

4) давлат бошқарувини ташкил этишда ресурслардан фойдаланиш ва назорат қилишни ажратилгани, яъни ресурслардан бевосита фойдаланувчилар назорат қилиш ваколатига эга бўлмаслигида, давлат бошқаруви органларини шакллантириш ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил қилишда фойдаланиш ва назорат қилиш ваколатларини тартибга солиш.

Ўнинчидан, алоҳида мақомга эга давлат органлари ўз функцияларини тўрт хил, яъни муҳофаза-ҳамкорлик, муҳофаза-назорат, муҳофаза-шартномавий ва регулятив кўринишда амалга оширадилар. Уларнинг функциялари давлатнинг моҳияти ва ижтимоий йўналишини, мақсад ва вазифаларини ифода этувчи, ўзига хос усул ва шакллар билан жамиятни бошқарув фаолиятининг асосий йўналишларидир. Бу функциялар ҳозирги замон талабларига мос келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. – Т.: Ўзбекистон 1996. – 364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. – Т.: Ўзбекистон 1996. – 380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. – Т.: Ўзбекистон 1996. – 366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-том. – Т.: Ўзбекистон 1996. – 349 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-том. – Т.: Ўзбекистон 1997. – 384 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-том. – Т.: Ўзбекистон 1998. – 429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-том. – Т.: Ўзбекистон 1999. – 410 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. – Т.: Ўзбекистон 2000. – 528 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том. – Т.: Ўзбекистон 2001. – 432 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. – Т.: Ўзбекистон 2002. – 432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том. – Т.: Ўзбекистон 2003. – 320 б.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-том. – Т.: Ўзбекистон 2004. – 400 б.
13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайдиган 13-том. – Т.: Ўзбекистон 2005. – 448 б.

14. Каримов И.А Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-том. – Т.: Ўзбекистон 2006. – 280 б.

15. Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. Т.: «Ўзбекистон», 2010. – 56 б.

16. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2015 й. 24 январь. №16. (6199) сон.

17. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2015. - 304 б.

18. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат”. // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. Халқ сўзи. 2015й. 06 декабрь, №236 (6419) сон.

Норматив манбалар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашини ўн биринчи сессиясида қабул қилинган. – Тошкент: 2015. – 76 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2007. – 4-сон. – 162-м.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, 4-сон, 85-модда.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2007. – № 9. – 420-модда.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги 2001 йил 29 август қонуни (янги таҳрир) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2001. – № 9–10. – 168-м.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда.

7. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги тўплами, 2002 йил, 11-12-сон, 88-модда.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2002. №4-5. 60-модда.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2002. №12. 213, 215-моддалар.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1996. – № 5–6. – 70-модда.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг ахборотномаси. – 1994. – № 2. – 46-модда.

12. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган. – Тошкент.: 2015. – 76 б.

13. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1992. – № 1. – 34-модда.

14. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуни янги таҳрири // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2003. – № 9–10. – 132-модда.

15. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2004. – № 9. – 171-модда.

16. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 74 б.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда.

19. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда.

20. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси жорий архиви.

21. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон.

22. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ахборотномаси. – 2004. – № 2 (8).

23. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловини ўтказиш билан боғлиқ марказий сайлов комиссиясининг низом ва йуриқномалари тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ахборотномаси. – 2004. – № 2(8).

24. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловига доир ҳужжатларнинг намуна ва шакллари тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ахборотномаси. – 2004. – № 2(8).

25. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. – № 5–6. – 95-модда.

26. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловида овоз бериш натижалари тўғрисидаги участка ва округ сайлов комиссиялари баённомаларини юқори турувчи сайлов комиссияларига етказиш тартиби ҳақида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ахборотномаси. – 2014. – № 1-2(11-12).

Махсус адабиётлар:

1. Арановский К.В. Государственное право зарубежных стран. – М.: Инфра-М, 1998. – 488 с.; Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации. – М.: Инфра-М, 2007. – 784 с.; Конституционное право зарубежных стран. / Под общ. ред. М.В.Баглая, Ю.И.Лейбо и Л.М.Энтина. – М.: Норма, 2008. – 1056 с.; Duverger M. Le systeme politique francais: Droit constitutionnel et systemes polit. – P.: PUF, 1985. – 611 p.

2. Акмал Раҳмонов. Мустақил сайлов тизими конституциявий асосларининг ривожланиши – жамият ҳаётини демократлаштиришнинг муҳим омили. Халқ сўзи газетаси, 2014 йил 5 апрель сони.

3. Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации. – М.: НОРМА, 2000. – Б. 364.

4. Голиченков А. К. Экологический контроль: теория практика правового регулирования. – М., 2012. – С. 73.

5. Исторические аспекты возникновения государственного органа – прокуратуры. Интернет манба:

6. История государства и права России // В.М. Клеандрова, Р.С. Мулукаев [и др.]; Под ред. Ю.П. Титова - 2-е изд. Перераб. и доп. – М., ТК Велби. Издательство Проспект. 2008. С. 75.

7. Конституциявий ҳуқуқ: Дарслик /Х.Т.Одилқориев, Ў.Х.Мухамедов, Б.А.Саидов ва бошқ.; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – 661 б.
8. Конституциявий ҳуқуқ: Х.Т.Одилқориев, Ў.Х.Мухамедов, Б.А.Саидов ва бошқ.; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т. : Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 436.
9. Қодиров Р.Ҳ. Инсон манфаатлари йўлида // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг расмий веб-сайти: www.gov.uz. – 2007. – 10 дек.
10. Меркулов В. В. Законодательные основы природоохранительной деятельности органов МВД СССР–Рязань, 1983. – С. 17.
11. Мустафоев Б. Конституциявий ҳуқуқ: Энциклопедик луғат. – Т., 2006. – Б. 329.
12. Примаченок А.А. Деятельность органов внутренних дел Белоруссии по предупреждению и пресечению преступлений против социалистического порядка природопользования (уголовно-правовые вопросы). – Минск, 1983. – С. 13.
13. Петров В. В. Экологическое право России. – М., 1995. – Б. 377.
14. Рыбаков Б.А.Мир истории: начальные века русской истории.. М., 1981. С. 79.
15. Соловьев С. М. Чтения и рассказы по истории России. М., 1989. С. 115.
16. Соломичев И. Прокурорский надзор за исполнением законов органами, осуществляющими дознание и предварительное следствие. Экспертное бюро. – М., 2008. – С. 71.
17. Соломичев И. Прокурорский надзор за исполнением законов органами, осуществляющими дознание и предварительное следствие. Экспертное бюро. – М., 2008. – С. 71.

18. Турғунов О. К. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – демократик сайлов қонунчилиги ва тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқи асоси // Конституция – давлат ва жамият қурилиши ислохотларининг асоси: илмий-назарий конференция материаллари. – Тошкент, ТДЮИ, 2006. – Б. 244-249.

19. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи / Проф. Х.Одилқориевнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2005. – Б. 148.

20. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи / Проф. Х.Одилқориевнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2005. – Б. 157.

21. Хамедов И.А. Ўзбекистонда ижро этувчи ҳокимият конституциявий-ҳуқуқий асосларининг ривожланиши. Халқ сўзи газетаси, 2014 йил 1 апрель сони.

22. Хусанов О.Т. “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги конституциявий қонунга ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига киритилган тузатишларга шарҳлар. – Т., 2007. – Б. 52.

23. Юридик энциклопедия / Проф.У.Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т., 2001. – Б. 375

Диссертация ва авторефератлар:

1. Азизхўжаев Алишер Аббосович. Давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг назарий муаммолари: Дис.... юридик фан. д-ри. Тошкент давлат юридик ин-ти. - Т., 1992. - 282 б.

2. Алимов Гулям-Хасан Алимович. Теоретические проблемы совершенствования статуса и деятельности органов государственной власти в Республике Узбекистан: Дис. ... канд.юрид.наук. Министерство внутренних дел РУз Акад.. – Т.:, 1997. - 137 с.

3. Адилходжаева Сурайе Махкамовна. Эволюция политико-правовых идей либерализма, проблемы их реализации на современном этапе:

вопросы теории и практики: Дис. ... д-ра юрид. наук: 12.00.01/ Ташк.гос.юрид.ин-т. - Т., 2003. - 293 с.

4. Джалилов Шухрат Ильхомович. Реформа местных органов государственной власти в Узбекистане (1990-1994гг.): Дис.... д-ра юрид. наук. Ташк. Гос. юрид. ин-т. - Т., 1994. - 274 с.

5. Ибрагимов Закиржан Султанович. Правовые проблемы совершенствования деятельности прокуратуры в системе органов государственной власти: Дис...канд.юрид.наук. Академия МВД Республики Узбекистан. – Ташкент: 1997. - 147 с.

6. Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна. Организационно-правовые проблемы государственного управления в сфере культуры в Республике Узбекистан: Дис. ... канд.юрид.наук. Ин-т.филос.и права им.И.М.Муминова. - Т, 1996. - 158 с.

7. Махбубов М. Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане: Дис. ... д-ра юрид. наук. Ташк. Гос. юрид. ин-т. - Т., 1993. - 326 с.

8. Исмаилов Бахадир Исламович. Теоретические проблемы правового регулирования специальных-экономических зон (вопросы истории и теории): Дис. ... канд. юрид. наук. АН РУз Ин-т филос. и права им.И.М.Муминова. - Т., 1997. - 200 с.

9. Исламходжаев Хасан Суратович. Государственное управление в области охраны и использования памятников истории и культуры Узбекистана: Дис...канд.юрид.наук. Ташк.гос.юрид.ин-т. - Ташкент, 1998. - 140 с.

10. Камалова Дилфуза Ходжиакбаровна. Государственное и административное право Федеративной Республики Германия (конституционный аспект): Дис...канд.юрид.наук. Акад. гос. и обществ. строит-ва при Президенте РУз. - Ташкент, 2001. - 160 с.

11. Каспаров Эрнест Рубенович. Конституционные основы Государственного управления Республики Узбекистан: Дис...канд. юрид. наук. Ташк. гос. юридический ин-т. - Т., 1999. - 174 с.

12. Ниетуллаев Сагындык Даулетиярович. Совершенствование государственного строительства в республике Каракалпакистан (опыт и проблемы): Дис. ... д-ра юрид. наук. АН РУз Ин-т фил. и права им. И.И.Муминова. - Ташкент, 1993. - 288 с.

13. Таджиханов Бахадир Убайдуллаевич. Республика Узбекистан – демократическое правовое государство вопросы теории: Дис...канд.юрид.наук. Академия Наук Республики Узбекистан Институт философии и права им.И.М.Муминова. - Ташкент: 1997. - 146 с.

14. Халилов Эркин Хамдамович. Становление и развитие высшего законодательного органа государственной власти Республики Узбекистан: Дис... д-ра. юрид. наук. АН РУз Ин-т философии и права им. И.М. Муминова. - Ташкент, 2000. – 331 с.

15. Хван Леонид Борисович. Административно-правовые проблемы деятельности Государственного налогового комитета Республики Узбекистан: Дис. ... канд. юрид. наук. Таш. Гос. юрид. ин-т. - Т., 1998. - 174 с.

16. Н.М. Баскакова. Конституционно-правовой статус Контрольно-счетной палаты субъекта Российской Федерации. Специальность 12.00.02. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Москва. – 2008. – 28 с.

17. Джумабаев К. Н. Законодательная и исполнительная власти: взаимосвязь и взаимодействие: Дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1993. – С.89.

18. А.К.Рахимов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асослари. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент. -2009. – 19 б.

19. Турғунов О.К. Ўзбекистон Республикасида сайлов жараёнининг ташкилий-ҳуқуқий масалалари. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати, Тошкент. – 2009. – Б. 43.